БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 59 (16.142) • 12 март 1975 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин

## МАККАЖЎХОРИ ЭКИШ ҚИЗҒИН

Ўлкамиз бўйлаб баҳор нафаси кезяпти. Деҳқонларнинг қўли-қўлига тегмай қолди. Механизаторлар эса тракторлар ва экиш агрегатларини далага олиб чиқишди. Эртанги сабзавот экинлари, дон ва маккажўхори экиш бошланди. Айниқса республикамизнинг жанубий областларида кўкламги ишлар қизғин бошланиб кетди. Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхози деҳқонлари республикада биринчилар қатори маккажўхори экишни бошлаб юбордилар. Механизаторлар ўзаро мусобақалашиб ишлаб ерга уруғ қадашни кун сайин тезлатмоқдалар. Натижада юксак марралар эгалланяпти.

Экиш бошланган дастлабки кунларданоқ илғор механизатор Қурбон Қорақулов пешқадамлик қилмоқда. У ўз экиш сеялкасини юксак унумда ишлатиб, 8 гектар майдонга барака уруғи қадади. Бошқалар ҳам ундан қолишмаётир. Бу муваффақиятларга асосан экиш агрегатлари сифатли ремонт қилингани туфайли эришиляпти.

Совхоз деҳқонлари бу йил деярли 300 гектар майдонга маккажўхори экишни планлаштирганлар. Шундан 30 гектари дон учун.

— Маккажўхорини вақтида сифатли экиб, ернинг ўз намига ундириб оламиз дейди совхоз партия комитетининг секретари Эргаш Маматов. — «Дала маликаси»га яхши ишлов бериб гектаридан 500 центнердан кўпроқ оламиз. Дон учун экилган маккажўхорини алоҳида парвариш қилиб, ҳар гектаридан 80 центнердан хирмон кўтарамиз. Бу билан республикамизнинг 1 миллион 55 минг тонналик «қаҳрабо дон» хирмонига муносиб ҳисса қўшамиз!

Шу кунларда қилинган фидокорона меҳнат улкан хирмоннинг тақдирини белгилайди, чунки эрта экнан хирмон уюр, кечга қолган армон қилур, дейди халқимиз.

Мўл ҳосил ишқида далага отланганлар маккажўхори экишни қисқа муддатларда тугаллаш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Суратда: (чапдан) 6-бўлимнинг бошқарувчиси У. Кенжаев ва бригада бошлиғи У. Оллоназаров ўртоқлар маккажўхори уруғини кўздан кечирмоқдалар.

И. Хўжанов фотоси. (ЎзТАГ).

## РАСМИЙ АХБОРОТ

### ПОЙТАХТ ИЛМИЙ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Пойтахтдаги илмий-тадқиқот, лойиҳа институтлари ва конструкторлик бюролари ходимларининг 10 март куни КПСС Москва шаҳар комитетида бўлиб ўтган кенгашида КПСС Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленумининг қарорлари асосида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасида Москва илмий муассасалари партия ташкилотларининг вазифалари кўриб чиқилди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, СССР Фанлар академиясининг президенти М. В. Келдиш, КПСС Марказий Комитети, министрликлар ва идораларнинг масъул ходимлари иштирок этдилар.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети фан ва техника давлат комитетининг раиси В. А. Кириллин доклад қилди.

Кенгашда В. В. Гришин нутқ сўзлади. (ТАСС).

### ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Осиё ва Африка мамлакатлари билан ҳамкорлик Ўзбекистон комитети жаҳондаги бир қанча мамлакатларнинг прогрессив ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш соҳасида катта иш олиб бормоқда. 11 мартда шу комитет ўзининг ўтган йилги фаолиятини якунлади ва яқин давр мобайнидаги вазифаларини аниқлаб олди. Комитет раиси Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. А. Сарымсоқов доклад қилди.

Сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXIV съезди белгилаб берган Тинчлик программасини амалга оширишда соҳасидаги собит қадам фаолиятини қизғин маъқулладилар. Улар империалистларнинг Яқин Шарқдаги, Ҳинд океани районидаги ва планетанинг бошқа қисмларидаги жиноий ҳаракатларини дарғазаб бўлиб қораладилар.

Ўзбекистон жамоатчилиги халқаро хотин-қизлар йилини ўтказишда иштирок этиши билан белгиланган, шунингдек, Ангола, Мозамбик, Гвинея-Бисау халқлари билан бирдамлик ва ударга ёрдам кўрсатиш йили муносабати билан боғлиқ тадбирлар комитет иш планига киритилган. (ЎзТАГ).

### ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИ ИЙҒИЛИШИ

ФАРҒОНА, 11 март. (ЎзТАГ). Бугун Фарғонада область партия ташкилоти КПСС XXIV съезди қарорлари асосида меҳнаткашлар соғлиғини муҳофаза қилишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Шамсуддиновнинг докладини муҳокама қилдилар.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири Г. М. Орлов қатнашди.

### ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИДА

КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми ва Ўзбекистон ёзувчилар ташкилотининг вазифалари — республика ёзувчилар союзи правлениесининг пленуми ана шу мавзуга бағишланди. Бу ҳақда доклад қилган ёзувчилар союзи правлениеси раисининг биринчи ўринбосари Н. Нарзуллаев ўзбек ёзувчилари кейинги вақтларда замондошимиз тўғрисидаги мавзуга тез-тез мурожаат қиладиган бўлиб қолганликларини таъкидлаб ўтди.

Пленум партия томонидан ижодий зиёлилар олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришда республика ёзувчилар ташкилотига ёрдам берадиган бир қанча тадбирларни белгилади. (ЎзТАГ).

# КОЛХОЗЛАР КЕНГАШЛАРИ

Миллион-миллион қишлоқ меҳнаткашлари ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришда актив қатнашмоқдалар. Колхозчилар Бутуниттифоқ III съезднинг қарорига биноан районлар, областлар, ўлка ва республикаларда 2.417 та колхоз кенгашлари тузилди ва улар ишлаб турибди. Бу кенгашларга колхозлар, совет, қишлоқ хўжалик органлари, илмий муассасаларнинг 85 мингдан кўпроқ вакиллари, шу жумладан 64 минг оддий меҳнаткаш сайланган.

Партия ташкилотлари колхозлар кенгашларининг фаолиятини энг асосий вазифа—қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг КПСС XXIV съезди маъқуллаган комплекс программасини муваффақиятли амалга оширишга йўналтирмоқда. Колхозлар мамлакатга тобора кўпроқ миқдорда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб бермоқда. Колхозлар ва совхозларнинг деярли 100 миллион гектар майдонга экин экаётганлигини, колхоз фермаларида 46 миллион бош қорамол парвариш қилинаётганлигини айтиб ўтиш кифоя. Колхозларнинг бўлинмас фондлари 80 миллиард сўмдан ошиб кетди. Давлатнинг тобора кўпайиб бораётган ёрдамига суяниб, колхозлар техника билан йил сайин мукаммал қуролланмоқда.

Колхозлар кенгашлари ижодий ташаббускорлик ва активликни кучайтиришга, кишиларни ернинг, коллектив меҳнати билан бунёд этилган ижтимоий бойликнинг хўжайини бўлиш руҳида тарбиялашга кўмаклашмоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашда, белгиланган планлар ва мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун курашда колхозлар кенгашларининг роли янада кучайди.

Далаларнинг ҳосилдорлигини ҳамма чоралар билан ошириш, ғалла ялпи ҳосилининг кўпайтирилишига эришиш — деҳқонларнинг энг асосий вазифаларидан биридир. Ўтган йили ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай мамлакатда 195,6 миллион тонна ғалла етиштирилди. Лекин бир қанча йирик районлар дон тайёрлаш планини бажара олмадилар. Колхозлар кенгашлари шу қолоқликни бартараф этиш учун мутахассислар иштирокида анчагина иш қилишлари мумкин. Шимолий Кавказда, Поволжьеда, Украинанинг жанубий областларида деҳқончилик маданиятини ошириш тадбирлари билан айни бир вақтда экин майдонлари структурасини такомиллаштириш ва уруғчиликни яхшилаш йўли билан ғаллазорларни кенгайтириб, тўғри иш қилмоқдалар. Кўпгина хўжаликларнинг коллективлари ғалладан ўтган йилги қарзларини узиш, умуман ғалла тайёрлаш юзасидан беш йиллик планни ошириб бажариш учун бел боғлаб курашмоқдалар. Колхозлар кенгашлари бу ташаббуснинг ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини чуқур тушуниб, бу йил ҳосил учун курашнинг ҳал қилувчи участкаларини ўз назоратлари остига олди. «Қишлоқ хўжалиги механизаторларининг энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, машиналарнинг техникавий имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланиш учун кураш ҳаракати тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг қарори барча деҳқонларни техникадан моҳирлик билан фойдаланишга, дала ишларини энг яхши муддатларда ўтказишга даъват этмоқда.

Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Молдавиядаги, бошқа иттифоқдош республикалардаги колхозларнинг кенгашлари ишлаб чиқаришни бошқаришда демократик асосларни ҳамма чоралар билан ривожлантириш, деҳқонларнинг активлигини ошириш борасида қимматли тажриба тўплади. Масалан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети колхозлар кенгашларининг диққат-эътиборини маблағлардан ва бошқа моддий бойликлардан фойдаланишдаги камчиликларни бартараф этишга сафарбар қилмоқда. Партия комитетлари, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотларининг колхозлар кенгашларини мана шундай қўллаб-қувватлаши — янги жамоат органлари самарали ишлашининг мутлақо зарур шартидир.

Колхозлар кенгашлари ишлаб чиқаришга яқин бўлиб, у билан чамбарчас боғланган, фан, техника муваффақиятларини, илғорлар тажрибасининг амалда кенг жорий қилинишини ташкил этиш учун катта имкониятларга эгадир. Мана шу имкониятлардан маҳорат билан фойдаланиш керак. Чунончи, Қрим область, Ленин район колхозлар кенгаши ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни, деҳқончилик маданиятини ва чорвачилик маҳсулдорлигини кўпайтиришни ўзи учун энг асосий вазифа қилиб олди. Далалар ва фермаларнинг тажрибали миришкорларидан хўжаликларнинг, колхозлараро ташкилотларнинг раҳбарларидан иборат кенгаш аъзолари экономиканинг ижтимоий-иқтисодий ишларини, навбатдаги ва келажакдаги ишларни чуқур ўрганмоқдалар. Бу районда чорвачиликни янада ривожлантириш, мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш мўлжалланмоқда. Хўжаликлараро омухта ем заводи барпо этилди, «Украина» колхози территориясида ҳар йили 12 минг бош қорамолни боқиб семиртириш учун аграр-саноат комплексини қуриш бошланди. Бу кенгаш шимолий Қрим зонасида суғоришни яхшилаш ва ривожлантириш масалалари билан ҳам шуғулланяпти.

Ишлаб чиқаришни янада ихтисослаштириш ва концентрациялаш, хўжаликлараро кооперацияни кенгайтириш — ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим, туб масалалари бўлиб турибди. Колхозлар кенгашлари ўзларининг бутун куч-ғайратини айни мана шу масалаларни ҳал этишга қаратмоғи лозим. Бир хўжаликнинг ўзи уддалай олмаган ишни кўпчилик бажара олади. Масалан, Кубанда қисқа муддат ичида қорамолни боқиб семиртириш учун 18 та механизациялаштирилган комплекс, тўққизта хўжаликлараро омухта ем заводи қурилди. Кубанда сабзавотчилик ишлари ихтисослаштирилмоқда. Колхозлараро еттита теплица комбинатини кооператив асосида қуриш мўлжалланмоқда. Мана шу ишларнинг ҳаммасида Краснодар ўлка колхозлар кенгашининг ҳам талайгина қилган хизмати бор.

Иттифоқдош ва Автоном республикалар, кўпгина ўлка, область ва районлар колхоз вакилларининг сайлов йиғилишларида қилинган ишларнинг якунлари муҳокама этилди, келгуси ишларнинг режалари белгиланди. Колхозлар кенгашларининг янги составига кўп миллионли деҳқонлар армиясининг муносиб вакиллари сайланди. Колхозлар кенгашлари хўжаликларнинг фаолиятидаги сифат кўрсаткичларини, барча иқтисодий кўрсаткичларни кескин равишда яхшилашга алоҳида эътибор беришлари лозим. Утган йили кўпгина колхозлар белгиланган миқдорда даромад олишга эришмадилар, бу колхозларда рентабеллик даражаси паст бўлди. Мана шунинг учун ҳам маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қишлоқ экономикасини ҳамма чоралар билан юксалтириш учун барча резервлардан фойдаланиш тадбирларини белгилаб чиқиш муҳим вазифадир.

Партия комитетлари, совет ва қишлоқ хўжалиги органлари дала ва ферма меҳнаткашларининг, тажрибали мутахассисларнинг жамоат ишлаб чиқаришни бошқаришда кенг қўламдаги иштироки масалаларига, колхозлар вакилларининг йиғилишларида билдирилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларни амалга ошириш устидан кун сайин назорат қилиб боришга эътибор бериб туришлари лозим.

Колхоз демократиясини ҳамма чоралар билан ривожлантириш ҳар бир меҳнаткашни топширилган иш учун юксак масъулият руҳида тарбиялаш — якунловчи йил ва умуман беш йиллик планларини ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришнинг гаровидир.

«ПРАВДА» газетасининг 11 мартдаги бош мақоласи.

*КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒЛАР ЯРАТИНГ*

# БОҒБОН БЎЛАЙЛИК

Боғлар ва токзорлар — эл-юрт чиройи, халқ фаровонлиги манбаи. Дейдиларки, боғи борнинг — бахти бор. Боиси, боғ-роғлар, токзорлар ширин-шакар мевалари билан дастурхонимизни безайди, кўркам қилади, боғбон-соҳибкорлар номини улуғлайди, шуҳратини оширади. Мевалар ва узумлардан баҳраманд бўлган кишилар боғбонга раҳмат дейди. Ҳар бир боғбон, соҳибкор учун бундан юксак баҳо, улуғлаш борми, дунёда?!

Ўзбекистонимиз азалдан мевали боғлари, токзорлари билан жаҳонга машҳур. Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг ғамхўрликлари туфайли кейинги йилларда боғдорчилик ва токзорчиликка эътибор беқиёс даражада кучайтирилди. Кўз илғамас янги мевали боғлар, токзорлар бунёдга келтирилди. Ўзбекистонимизда етиштирилаётган мевалар ва узумлардан татиб кўрмаган киши кам бўлса керак, жаҳонда!

Ризамат ота МУСАМУҲАМЕДОВ кекса боғбон, Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Бизнинг меваларимиз ва узумларимиз ўзига хос ҳислатлари ва фазилатлари билан ҳаммани ўзига мафтун этмоқда. Ширин, гўзал, ширалик, узоқ сақланади. Хўл мевалар ва узумлар ёз ва куз ойларида халқ дастурхонини безаса, қиш ва баҳор фаслларида дастурхонлар кўрки қурқ мевалар ва майизлардир. Ўзбеклар дастурхони йил ўн икки ой меҳмонларни ўзига мафтун этади, дейилишининг боиси шунда. Мевалар ва узумлардан тайёрланаётган консерваларимизнинг шуҳрати тобора ортмоқда.

Ўзбекистонимизнинг тупроғи зар, суви кавсар, боғбон-соҳибкорлари эса миришкор. Билак кучи, техника ёрдами, пешона тери билан тош устида мевалар ва узумлар етиштириб, халққа манзур қилаётган боғбон-соҳибкорларимиз кўп. Улар чинакам мичуринчилардир. Эндиликда уларга илм-фан, техника, кимё мўъжизаси, ирригация-мелиорация таянч кучига айланди. Шу боисдан чўл-саҳролар, тўқайзорлар, тоғ ёнбағирлари ва бошқа ташландиқ ерлар боғ-роғлар, токзорларга айлантирилмоқда, янги боғ-бўстонлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети боғдорчилик ва токзорчиликни тараққий эттиришга доимо катта эътибор бермоқда. Қадимги боғларнинг тикланиши, Мирзачўл, Қарши чўли, Ёзёвон чўли, Сурхон ва Қашқадарё тизма тоғлари бағри, Аму дарёнинг Хоразм ва Қорақалпоғистонга туташ тўқайзорлари, Катта Фарғона каналининг қирғоқлари ва бошқа жойларда янгидан бунёдга келтирилган ва шиғил-шиғил ҳосил бераётган боғлар ва токзорлар Ўзбекистон партия ташкилотининг номи билан боғлиқдир.

Партия ва ҳукуматимиз боғбонлар ва соҳибкорларнинг меҳнатига юқори баҳо бермоқда, уларни СССР орден ва медаллари билан мукофотламоқда. Ўзбекистонимизда етиштирилаётган ширин-шакар хилма-хил мевалар ва узумлар Бутуниттифоқ халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасида намойиш этилмоқда.

Бундай ғамхўрликка жавобан боғдорчилик ва токзорчиликни янада тараққий эттириш, мевалар ва узумлар етиштириш кўпайтириш, хилларини ошириш биз, боғбонлар ва соҳибкорларнинг муқаддас бурчимиздир. Шуни унутмаслигимиз керакки, Ўзбекистон диёрида яшаб меҳнат қилаётган кишиларнинг ҳаммаси ҳам пахтакор, ҳам боғбон-соҳибкордир. Пахтакорлик, боғбон-соҳибкорлик касбини шарафлаш учун курашайлик!

Баҳор — кўчат ўтқазиш, янги боғ-роғлар, токзорлар бунёдга келтириш, ёз — уларни меҳр билан парвариш қилиш, бехато кўкаришини таъминлаш демакдир. 1975 йил баҳори алоҳида фазилатларга эга. Ерда нам етарли тўпланди, тупроқ қатламида ҳарорат кўнгилдагидек бўлди. Кўчат тайёрлайдиган давлат ташкилотлари ва хўжаликларнинг ўзида эҳтиёжни қоплайдиган даражада ниҳоллар бор. Ўтгитдан камчил жойимиз йўқ. Шундай шароитда баҳорги кўчат ўтқазишни бутун чоралар билан кучайтириб юбориш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир. Бу муҳим ишни тезлатишимиз керак. Чунки кўчатлар уйқудан уйғониб қолди, ҳамал кириб, амал оляпти. Шундай кезда ўтқазилган кўчатлар бехато кўкаради, ҳаво қаттиқ исиб кетса ўзини тутиб олади.

Кўчат ўтқазиш, янги боғлар, токзорлар ташкил қилишга ерни яхши тайёрлайлик, тупроқ майин бўлса, ер ўғитланса, иложи бўлса, суғорилса, кўчатлар нечоғли чуқурроқ ўтқазилса, самара шунчалик яхши бўлади. Ерга ўтқазилган ҳар туп кўчатни бехато кўкартириб олиш бош вазифадир. Кўчатларни ер шароитига қараб қалинроқ ўтқазишга алоҳида аҳамият берайлик.

Боғдорчилик ва токзорчиликда механизация кенгроқ қўллана бошлади. Буни табриклаш керак. Ўтқазиладиган кўчатларнинг кейинчалик қатор ораларини механизмлар воситасида ишлашни кўзда тутиб ўтқазайлик. Шунда қўл кучи кам сарфланади, кўп ҳосил олинади, таннарх арзонга тушади.

Боғбонларимиз ва соҳибкорларимиз меваларнинг нави, районлаштирилиши, касалликларга бардошкорлигига эътибор беришлари керак. Бунинг учун тезкорлик билан маслаҳатлашиб, мутахассислар ва тажрибакорларнинг фикрини олиб, мева дарахт кўчатлари, токлар ўтқазиш зарур.

Республика қишлоқ хўжалик илғорларининг қурултойида бу йил 261 минг тонна мева, 343 минг тонна узум етиштириш мажбуриятини олганмиз. Бу юксак мажбуриятни шараф билан бажариш учун мавжуд боғлар ва токзорлар парвариши кучайтирайлик! Бирор туп ўсимлик ёки ток эътиборимиздан четда қолмасин. Қатор ораларини тезкорлик билан юмшатиб, намни тўла сақлаб қолайлик, зарур топилган жойларда запас суғориш ўтказайлик, заararкунандаларга қарши профилактик чоралар қўллайлик!

Ҳар бир колхоз, совхоз, давлат хўжалиги учун кўчат ўтқазиш нормаси белгиланган. Манзарали дарахтлар ўтқазиш яхши, албатта. Лекин ложи борича кўпроқ мевали дарахтлар, навли токлар ўтқазайлик. Хозир ҳамма районлар ва областларда герман фашистлари устидан қозонилган буюк ғалабанинг 30 йиллиги муносабати билан Ёдгорлик ҳиёбонлари ташкил этиляпти. Буни чин юракдан қутлаймиз. Ана шу ҳиёбонларга кўпроқ мевали дарахт кўчатлари ва токлар ўтқазиш мақсадга мувофиқдир. Унинг мевасини татиган кишилар марҳумлар номини сира ёддан чиқармайдилар.

Вақт жуда тиғизлашиб қолди, саноқли кунлардан кейин чигит экиш бошланади. Вазиятни ҳисобга олиб, кўчат ўтқазишни ҳамма жойда оммавий равишда бошлаб юборайлик ва уюшқоқлик билан ўтқазайлик. Кўчат ўтқазишдек умумхалқ ишидан бирор киши четда қолмасин. Хонадонларга, йўллар, сув иншоотлари, жамоат жойлари — ҳамма жойга кўпроқ кўчат ўтқазиб, республикамизни яшил бойликларга буркайлик.

Ҳаммамиз боғбон, соҳибкор бўлайлик, янги боғ-роғлар, токзорлар бунёдга келтирайлик! Бу боғ-роғлар, токзорларга Ғалаба номини берайлик!

## ПАХТАЧИЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛАМИЗ

# МАРРАМИЗ—45 ЦЕНТНЕР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Самарқанд область Пахтачи райони қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг 1975 йилда пахта ҳамда деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш ва уларни етиштиришни кўпайтиришда ички резервлардан янада кенгроқ фойдаланиш тўғрисидаги мурожаатини маъқуллади. Ташаббускор район меҳнаткашлари ҳосилдорликни ошириш йўли билан пахта етиштиришни кўпайтириш чоралари ҳақида фикр юритадилар, республикамизнинг бир қатор илғор районлари қаторида бизнинг Хива районимизни ҳам социалистик мусобақага чақирдилар.

Бу хабарни районимиз меҳнаткашлари мамнунлик билан кутиб олдилар. Мусобақа қудратли куч бўлиб, ахдлашувчи ҳар икки томонни янги меҳнат зафарларига илҳомлантиради. Тўққизинчи беш йилликка якун ясаладиган бу йилги шароитда мусобақа айниқса катта аҳамият касб этмоқда.

Пахтачи райони ўтган йили пахтадан рекорд ҳосил олди, гектаридан 44,9 центнердан хирмон кўтарди. Хива районимиз ҳам ҳосилдорликда яхши кўрсаткичга эришди, ҳосилдорлик 44 центнер бўлди. Пахтачилик тарихида биринчи марта шундай кўрсаткичга эришилди.

Ташаббускор районда кўплаб колхозлар ҳосилдорликда мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришганликлари таъкидланади. Биз бундан хурсандмиз. Шуни ҳам айтиш керакки, бизнинг районимизда ҳам юқори ҳосилли колхозлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Утган йили Фрунзе номли, Энгельс номли, «Партия XXII съезди» ва бошқа колхозларимиз ҳосилдорликда республикамизнинг пешқадам хўжаликлари қаторидан ўрин олди, уларнинг ҳар бири якунловчи йилда 50-55 центнерлик маррани кўзлаб иш тутмоқда. Бу жиҳатдан олганда ҳам Пахтачилик пахтакорлар билан дадил беллаша оламиз.

Районимиз бўйича 44 центнерлик ҳосилни 46 центнерлик ҳосилга кўтариш учун, ташаббускорлар айтганларидек, резервлар кўп. Шулардан айримларини тилга олиб ўтамиз. Ўтган йили олти колхоз районнинг ўртача кўрсаткичидан камроқ пахта берди. Биз ўша колхозларнинг раҳбарлари, колхозчи деҳқонлари, механизаторлари билан суҳбатлашдик, камчиликларни ошкора айтдик, ютуқларни мустаҳкамлаш йўллари ҳақида маслаҳатлашдик. Бу йил Крупская номли, Огаҳий номли, «Хива», Дзержинский номли, Беруний номли, Ленин номли колхозлар ҳам ҳосилдорликда район эришган даражага эришадилар ва ҳатто ундан ўзиб кетадилар. Бу эса ялпи тоннани кўпайтиришнинг муҳим резервидир.

Ташаббускор район меҳнаткашлари бу йил республикамиз бўйича 5 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» етиштирилишини таъкидлаганлар, бу катта хирмонга ҳар бир район, колхоз ва совхоз ўз улушини қўшиши зарурлигини айтганлар. Биз ҳам бу фикрга тўла қўшиламиз. Хива районимизнинг меҳнаткашлари якунловчи йилда она-Ватанга камида 46 минг тонна пахта армуғон этадилар. Утган бир йил ичида пахтанинг ялпи миқдорини 10 минг тонна кўпайтирган эдик, бу йил ҳам ана шундай муваффақиятга эришамиз.

Районимиз асосан пахта уруғчилиги райони ҳисобланади. Биз уруғлиқ пахта тайёрлашни тобора кўпайтирган ҳолда, машинада пахта теришни ҳам йилдан-йилга оширмоқдамиз. Пахтачи райони меҳнаткашлари машина теримини ташкил қилишда ҳам яхши кўрсаткичларга эришанликлари алоҳида таъкидланган. Бизда ҳам бу борада анча ишлар қилинди. Утган йили машиналарда ҳар қачонгидан кўп пахта терилди, давлат плани ва социалистик мажбуриятимизни тўла ва ошириб бажариш тақдирини асосан машина терими ҳал қилди десак муболаға бўлмайди.

Пахтанинг навини белгилаб олиш, шунга қараб уруғлиқ чигит тайёрлаш, уни саралаш катта аҳамиятга эгадир. Бизнинг районимиз шароитида ҳам, Пахтачи районида бўлгани каби, «Тошкент-1» пахтасининг сараланган чигити экилади ва юқори ҳосил беради. Районимиз хўжаликларининг эҳтиёжи учун қанча чигит керак бўлади, ҳар гектар ерга қанчадан чигит сарфланади, буларнинг ҳаммасини ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. Яқин кунларда чигитни ташиб олиб, дорилашга киришамиз., Беда, маккажўхори экиш учун ерларни тайёрлаб қўйдик, уруғлиқ ҳам етарли бор.

Район партия комитети барча партия ташкилотларининг секретарлари, хўжалик раҳбарларининг эътиборини кўкламги дала ишларига тайёргарликни яқин уч-тўрт кунда тугаллаш, чигит ва бошқа экинлар экишни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишга қаратмоқда. Ишда коммунистларнинг авангардлик роли таъминланади, улар оғир участкаларда туриб, оммани социалистик мусобақада янги зафарларга чорлайди.

Районимиз меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи босқичини пахта ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кескин кўпайтириш билан якунлайдилар. Бу Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVII пленуми қарорига амалий иш билан берган жавобимиз бўлади.

**М. МАТКАРИМОВ,**
**Хива район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.**

## БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

НУКУС, 11 март. (ЎзТАГ). Бугун Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов тантанали вазиятда Нукус шаҳрига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғини топширди. Қорақалпоғистон пойтахти бу юксак мукофотга 1974 йилги халқ хўжалик планини муддатдан илгари бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юқори натижаларга эришганлиги учун сазовор бўлди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома йўлладилар.

Самарқанд авторемонт заводининг тадбиркор ишчиси Ҳурмат Ҳусаинов 22 йиллик меҳнат фаолияти давомида юздан ортиқ ёш ишчига ўз тажрибаларини ўргатди. Суратда: мусобақа илғори Ҳ. Ҳусаинов (ўртада) шогирдлари А. Наимов, ва О. Ашуров билан суҳбатда.

Р. Ғофуров фотоси. (ЎзТАГ).

# ИБРАТЛИ МЕҲНАТ ЙЎЛИ

Пойафзалчи Саид Раҳимов ва республикамиздаги яна бошқа саккиз пешқадам ишчи, қурувчи, транспортчи: «бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий нормамизни бажарамиз», деб ҳамкасбларига мурожаат қилганида, Пелагея Михайловна Рибченко ҳам улар изидан боришга сўз берди. Орадан ойлар ўтди. Пелагея Михайловна ва Саид Раҳимовлар ишлайдиган Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси коллективи уларнинг ҳар кунги иш натижалари, социалистик мусобақадаги якунларини катта қизиқиш билан кузатиб борди.

Мана энди ташаббускор пойафзалчи Саид Раҳимов издоши Пелагея Михайловнани эришган катта меҳнат муваффақияти билан табриклаб турибди. Гап бундай: ўтган йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро мажлисида тўққиз донгдор ишчи бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий нормамизни бажарамиз, деб сўз беришган ва шунга яраша ғайрат билан меҳнат қила бошлашганди. Улар орасида тошкентлик пойафзалчи Саид Раҳимов ҳам бор эди. Унинг корхонадаги издошлари кўпайиб кетди. Улар ташаббускор ишчига меҳнат муваффақиятлари соҳасида тобора яқинлашиб боришмоқда. Бугун ғурур ва қувонч билан шуни таъкидлаш мумкинки, корхонадаги унинг ўттиз олти издошидан бири — Пелагея Михайловна Рибченко меҳнат беллашувида ғолиб чиқди.

У икки беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарганлиги юзасидан Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 3 март куни бўлиб ўтган бюро мажлисида ҳаммасини бирма-бир сўзлаб берди. Ўз тажрибалари ҳақида, режалари тўғрисида гапирди. Республикамизнинг яна етти илғор ишчиси Пелагея Михайловна билан бир залда меҳнат муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилиб беришди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикамизнинг беш йиллик қаҳрамонларидан саккиз нафари тажрибасини маъқуллаб, қарор қабул қилди.

Пелагея Михайловнага энди кўплар ҳавас билан боқмоқда. Унинг меҳнат муваффақиятларига тан бераётган ва изидан боришга аҳд қилганлар сафи кенгайиб бормоқда. Тошкентлик пойафзалчи тўққизинчи беш йиллик топшириғини 1973 йил апрелда бажарганди. Унинчи беш йиллик маррасини эса ўтган йил июль ойида муваффақият билан эгаллади. Бугунги кунда Пелагея Михайловна Рибченко 1981 йилнинг сентябрь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти.

Меҳнатда жасорат кўрсатган бу ишчи бир сменада икки смена нормасини бажаришга, бир жуфт пойафзал тайёрламасини ишлаб чиқаришга кетадиган вақтни икки ҳисса камайтиришга эришмоқда. У — маҳорат сирини ҳалол меҳнат билан эгаллаган, иш вақтини тежашдан, ҳом ашё ва материалларни иқтисод қилиб сарфлашдан барака топаётган ишчиларимизнинг бири. Пелагея Михайловна ҳам бирдан шундай чўққини эгаллаб олгани йўқ. Бунинг учун йиллар мобайнида илғор тажрибаларни ўрганди, уларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш тадбирларини кўрди, устоз ишчилардан меҳнат малакаларини такомиллаштириш сирларини йўл-йўлакай билиб олди.

Бундай донгдор ва республикада таниқли ишчи бўлиб етишгунча ибратли меҳнат йўлини босиб ўтди. Шогирдлик қийинчилиги, илғор тажрибаларни эгаллаш учун куйди-пишдилик, шогирдларга мураббийлик қилиш масъулияти каби мураккаб довонлардан ошиб ўтди. Эндигина еттинчи синфни тамомлаганимда, дея ҳикоя қилади Пелагея Михайловнанинг ўзи, Тошкентдан мактуб олдим. Тошкентлик холам бу ерга келишимни, касб ўрганишимни маслаҳат берди. Мен у вақтларда Оренбург областининг Анатолиевка қишлоғида яшардим. Холам шундай ишонтириб ёзгандики, Тошкентга келсам бас: дарров ишга кираман-у, дарҳол пойафзалчи бўлиб оламан, деган фикрга келдим. Ота-онам менинг учиб-қўниб тўрганлигимни кўриб рухсат беришди.

Шу тариқа менинг меҳнат фаолиятим 1951 йилда Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида шогирдликдан бошланди. Ҳозир корхонамиз касаба союз комитетининг раиси бўлиб турган Раиса Мусаева ўша вақтда пойафзалларга пардоз бериш участкасида мастер эди. Мени шу аёлга шогирд қилиб топширишди. Бошқа ишчилар қатори дастлабки кунлари қийиналдим. Турли ҳаёлларга бордим: «Қўлимдан келмаган ишга қўл уриб нима қилар эдим», дея иккиланиб ҳам юрдим. Лекин Раиса опамиз менга ҳақиқий мураббийлик қилганлигини кейинроқ билиб олдим. Мендаги ҳар бир руҳий ўзгаришни, касб эгаллашдаги ринчоқлигимни кузатиб, ишдан кейин олиб қолиб тегишли маслаҳатлар берган кунлари кўп бўлди. Бир ярим ой ўтар-ўтмас шогирдликдан мустақил ишлашга ўтдим. Бичиқчиликнинг паст-баландини ўрганиб олдим.

Йигирма беш йилдирки, Пелагея Михайловна шу корхонада бичиқчилик қилиб келмоқда. Бу давр ичида у кўплаб шогирдлар тайёрлади. Уста пойафзалчи кейинги тўрт йил мобайнида олти ишчига бичиқчиликни ўргатди.

— Ҳозир бутун тажрибаларимни Светлана Фоменкога ўргатмоқдаман, — дейди ўртоқ Рибченко. — Светлана ҳаракатчан, оғзингдан чиққанини бажо келтиришга ҳамиша шай турадиган ижрочи шогирдларимдан бири бўлиб етишишига ишончим комил. Чунки у ўзига топширилган ишни сидқидилдан бажариш билан бирга, кечқурунлари корхонамиз ҳузуридаги пойафзалчилар билим юртида малака ва маҳоратини оширмоқда.

Пелагея Михайловна илғор тажрибаси шайдолари кўп. Шунинг учун ҳам корхонада унинг тажриба мактаби ташкил қилинган. Пелагея Михайловна бундай машғулотларда ўз бой тажрибаларини ёшларга қунт билан ўргатмоқда. Айниқса, унинг тежамкорлик борасидаги илғор иш усуллари кўпчиликда катта таассурот қолдирмоқда. Илғор ишчи ускуналарнинг созлиги, уларни бекор турғизиб қўймаслик, вақтида жорий ремонт қилиб бориш, иш жойини ҳамиша тоза сақлаш иш вақтинигина эмас, балки ҳом ашё ҳамда материалларни ҳам муттасил тежашга ёрдам беришини иш устида ўргатади, тушунтиради. Унингча, булар «майда-чуйдалар» эмас. Балки ана шуларга амал қилиш натижасида бир жуфт пойафзални нормадагидан икки ҳисса кам вақтда тайёрлашга эришиш мумкин. Бундай тежашлар минутлар, дақиқалардан иборат бўлса ҳам, бутун смена давомида бир неча соатни иқтисод қилишга ёрдам беради. Мутахассислар билан кенгашиб, бичиқчиликда юзага келган янгиликларни қўллаш ҳам яхши натижалар бераётганлигини қунт билан оммалаштирмоқда.

Рақамларга мурожат қилайлик. Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган даврида Пелагея Михайловна 40 миллион 170 минг квадрат-дециметр тўқилган материални пойафзалга мослаб бичган бўлса, шу давр ичида 2 миллион 260 минг квадрат-дециметр материални иқтисод қилиб қолишга эришди. Беш йилликнинг якунловчи йилида у тағин 250 минг квадрат-дециметр ҳом ашё тежаш учун курашмоқда. Бу нима деганиг? Шунча тежалган ҳом ашёдан 21 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқариш мумкин.

Пелагея Михайловнанинг тежамкорлик соҳасидаги тажрибаси кенг тарғиб қилинмоқда. Ҳозир корхонада беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақа кундан-кунга авж олмоқда. Тикувчилик цехининг ишчиси Собиржон Одилжонов, тагчарм ёпиштирувчи Соҳиб Сиддиқовлар ҳам икки беш йиллик маррасини эгаллаш арафасида. Улар май ойида 1981 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришга киришиш тадбирларини кўришмоқда.

Ўтган йили Саид Раҳимов бир беш йилликда икки беш йиллик маррасини эгаллашда пойафзалчиларнинг даъваткори бўлиб майдонга чиққанди. Бугун унинг издоши Пелагея Михайловна Рибченко ғолиб саналди. Эртага яна янги қаҳрамонлар чиқади. Улар бугунги ва кечаги ғолиблар эгаллаган марраларни забт этибгина қолмасдан, ўзиб ҳам кетадилар. Бошқаларни янги улкан марраларни эгаллашга даъват қиладилар. Шу тариқа беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун кураш мусобақаси авж олаверади, унинг якунлари эса экономикамизнинг юксалишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаверади.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎҚУВЛАР

# ЧИНИҚИШ МАКТАБЛАРИ

**Партия ташкилотлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, меҳнаткашларни сиёсий ва иқтисодий билимлар билан қуроллантиришни тобора яхшиламоқдалар, ўқув самарадорлигини кучайтириш учун бутун чораларни амалга ошираётирлар.**

**Пропагандистлар маҳорати қандай ошириляпти? Меҳнаткашларни иқтисодий билимлар билан қуроллантиришнинг истиқболли планлари қандай бажарилаётир? Район партия комитетлари ўқувни ташкил этишга қандай раҳбарлик қилмоқдалар? Мухбиримиз шу сингари саволларга жавоб беришни сўраб, бир қатор район партия комитетларининг сиёсий маориф кабинети мудирларига мурожаат қилди.**

**Избоскан район партия комитети партия маорифи кабинетининг мудири Абдумухтор ХОЛМЎРЗАЕВ:**

— Районимизда сиёсий ва иқтисодий ўқишлар пухта тайёргарлик билан бошланди. КПС Марказий Комитетининг меҳнаткашларга иқтисодий таълим беришни кучайтириш тўғрисидаги қарорини бажара борib, район партия ташкилотлари иқтисодий умумтаълимнинг беш йилга мўлжалланган перспектив планини ишлаб чиққан эдилар .Унда иқтисодий билим халқ мактабларини комплекслашдан тортиб, пропагандист кадрларни танлаш ва қайта тайёрлашгача бўлган ҳамма масалалар қамраб олинган эди. Ҳозир бошланғич партия ташкилотларида бу планлар муваффақият билан бажарилмоқда. Чунончи, «Партия XX съезди» колхозини олайлик. Колхоз партия комитети (секретари М. Комилов) қишлоқ меҳнаткашларини иқтисодий билимлар билан қуроллантириш мақсадида халқ мактаблари тузди. Бу ўқув йилида 19 та ана шундай мактабда 250 дан зиёд тингловчи иқтисодий билим асосларини эгаллай бошлади. Хўжаликда амалга оширилаётган бу тадбир туфайли пахтакорларда иқтисодий таҳлилга бўлган қизиқиш ўсмоқда. Ишлаб чиқаришга сарфланаётган ҳар бир сўмнинг самарадорлигини ошириш учун резервларни ишга солиш ва тежамкорлик ҳаракати авж олаётир.

Район партия комитети ўқув йили олдидан иқтисодчи пропагандистларнинг уч кунлик семинарини ўтказди. Район партия комитетининг секретари М. Насриддинова иқтисодий билимларни пропаганда қилишнинг навбатдаги вазифалари тўғрисида доклад қилди. Семинарда Шермат Юсупов номли колхозидан Абдураззоқ Бўстонов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасидан Толибжон Насриддинов, «Ўзбекистон» колхозидан Убайдулла Абдуллаев сингари пропагандистларнинг тажрибаси оммалаштирилди.

Бу ўқув йилида районимизда юзга яқин пропагандист иқтисодий билим халқ мактабларида машғулот ўтказмоқда. Улар асосан экономистлар, инженерлар, агрономлардир. Улар ишлаб чиқаришни бошқаришни илмий асосда ташкил этиш, фан ютуқлари ва агротехника қоидаларини кенгроқ қўлланиш сингари масалаларни машғулотларда атрофлича ёритиб бермоқдалар.

**Шовот район партия комитети партия маорифи кабинетининг мудири Раҳим ИБОДУЛЛАЕВ:**

— Партия ўқуви самарадорлигини оширишда пропагандистлар билан олиб бориладиган иш муҳим ўрин тутади. Чунки, сиёсий ўқув самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг назарий ва амалий тайёргарлигига боғлиқ. Сиёсий билимларнинг тарғиботчиларига ёрдам кўрсатиш мақсадида методика кенгаши тузганмиз. 21 партия, совет ходимлари, малакали мутахассислар унинг аъзоларидир. Методика кенгаши тажрибали пропагандистларнинг машғулотни ташкил этиш усулларини ўрганади ва оммалаштиради. Бу тажрибалар оммавий ҳаракатдаги семинар машғулотларида барча тингловчиларга етказилади. Илғор тажриба билан чуқурроқ танишиш мақсадида кўпинча семинарларни секцияларга бўлиб ўтказамиз.

Бу ўқув йилида партия маорифи системасида 134 пропагандист машғулот ўтказмоқда. Булар юқори маълумотли, етук сиёсий ва назарий билимга эга бўлган мутахассислардир. Район партия комитети айни вақтда пропагандист кадрларнинг резервини тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Шу мақсадда эллик ёш пропагандист алоҳида тайёрланмоқда. Улар «Ёш пропагандистлар мактаби» машғулотларида партиявий пропаганданинг методикасини эгаллайдилар, нутқ маҳоратини ўрганадилар. Айни вақтда ёш пропагандистлар учун очиқ дарслар ўтказиш тажрибасини ҳам кенг қўлламоқдамиз. Буларнинг ҳаммаси машғулотларнинг қизиқарли, таъсирчан ўтишига хизмат қилмоқда.

**Учқўрғон район партия комитети партия маорифи кабинетининг мудири Шавкат ҚУЧҚОРОВ:**

— Партия маорифи системасининг барча звеноларида 95 мактаб ва назарий семинар тузилган. Уларнинг машғулотларида 2300 тингловчи қатнашмоқда. Машғулотлар ҳамма ерда уюшқоқлик билан ўтяпти. Партия ташкилотлари сиёсий ўқувни ташкил этиш ва тингловчиларнинг активлигини оширишга эътиборни кучайтирмоқдалар. Бу жиҳатдан ёғ-экстракция заводи партия ташкилотининг тажрибаси ибратлидир. Ўтган ўқув йилида бу ерда ташкил этилган сиёсий билим мактабларида 70 дан ортиқ тингловчи таълим олган эди. Бу йил марксизм-ленинизм асослари мактабларга ва бошланғич сиёсий мактабда юзга яқин тингловчи марксча-ленинча назарияни эгаллашга киришди.

Завод партия ташкилоти партия маорифи системасида иқтисодий билимларни пропаганда қилишга эътиборни кучайтирган ҳолда иқтисодий таълим мактаблари тармоғини ҳам йил сайин кенгайтирмоқда. Чунончи, бундай мактаблар бу ўқув йилида еттитага етди.

Охунбобоев номли колхозда пропагандист Камолиддин Қўчқоров машғулот олиб бораётган бошланғич сиёсий мактаб машғулотлари мунтазам ўтиши, назарий, савиянинг чуқурлиги билан ажралиб туради. Бу мактабда колхозчилар учинчи йили иқтисодий билим асосларидан билим олмоқдалар .Партиянинг иқтисодий сиёсати, иқтисодий категорияларнинг моҳияти чуқур ўрганилиши натижасида колхозчиларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кураши яхши натижа бераётир.

Район партия комитети сиёсий ва иқтисодий ўқувларнинг боришини муттасил ўрганмоқда. Энг яхши тажрибалар бюро мажлисларида умумлаштирилиб бошқа пропагандистлар ўртасида кенг ёйилмоқда. Бу ўқув машғулотлари муттасил юксак савияда ўтишига, пропагандистлар ўзларига топширилган муҳим ишни юксак савияда бажариш учун масъулиятни ҳис қилишларига ёрдам бермоқда. Бинобарин, партия ўқуви самарадорлигни оширишга хизмат қилмоқда.

ФАН ЮТУҚЛАРИ—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

# ИЖОД ВА САМАРА

Мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи жамиятни ривожлантиришда илм-фаннинг ўсиши, табиат сирларини ўрганиш ва халқ манфаати йўлида унинг қонунларидан самарали фойдаланиш билан характерланади. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти коллективи ҳам фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш ишида фаол қатнашмоқда.

Ташкил топганидан буён ўтган салкам эллик йил ичида институтимиз катта йўлни босиб ўтди. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда етакчи техника олий ўқув юрти бўлиб қолди. Институтнинг илмий фаолияти транспорт, қурилиш ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг техника тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Институтимизнинг ўттизта кафедраси, учта тармоқ лабораторияси, Олмаота филиалининг ходимлари, аспирантлари самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. ТошТИИда илмий-тадқиқотларни ташкил этиш ва бошқаришнинг характерли хусусияти шундаки, бутун коллективнинг диққат-эътибори муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган проблемаларга қаратилган. Темир йўл устки қурилиши элементларининг кўп йилларга бардошлилигини ошириш ва уларни қумлар босқинидан эгаллаб олгани йўқ. Бунинг учун йиллар мобайнида илғор тажрибаларни ўрганди, уларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш тадбирларини кўрди, устоз ишчилардан меҳнат малакаларини такомиллаштириш сирларини йўл-йўлакай билиб олди.

Бундай донгдор ва республикада таниқли ишчи бўлиб етишгунча ибратли меҳнат йўлини босиб ўтди. Шогирдлик қийинчилиги, илғор тажрибаларни эгаллаш учун куйди-пишдилик, шогирдларга мураббийлик қилиш масъулияти каби мураккаб довонлардан ошиб ўтди. Эндигина еттинчи синфни тамомлаганимда, дея ҳикоя қилади Пелагея Михайловнанинг ўзи, Тошкентдан мактуб олдим. Тошкентлик холам бу ерга келишимни, касб ўрганишимни маслаҳат берди. Мен у вақтларда Оренбург областининг Анатолиевка қишлоғида яшардим. Холам шундай ишонтириб ёзгандики, Тошкентга келсам бас: дарров ишга кираман-у, дарҳол пойафзалчи бўлиб оламан, деган фикрга келдим. Ота-онам менинг учиб-қўниб тўрганлигимни кўриб рухсат беришди.

Шу тариқа менинг меҳнат фаолиятим 1951 йилда Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида шогирдликдан бошланди. Ҳозир корхонамиз касаба союз комитетининг раиси бўлиб турган Раиса Мусаева ўша вақтда пойафзалларга пардоз бериш участкасида мастер эди. Мени шу аёлга шогирд қилиб топширишди. Бошқа ишчилар қатори дастлабки кунлари қийиналдим. Турли ҳаёлларга бордим: «Қўлимдан келмаган ишга қўл уриб нима қилар эдим», дея иккиланиб ҳам юрдим. Лекин Раиса опамиз менга ҳақиқий мураббийлик қилганлигини кейинроқ билиб олдим. Мендаги ҳар бир руҳий ўзгаришни, касб эгаллашдаги ринчоқлигимни кузатиб, ишдан кейин олиб қолиб тегишли маслаҳатлар берган кунлари кўп бўлди. Бир ярим ой ўтар-ўтмас шогирдликдан мустақил ишлашга ўтдим. Бичиқчиликнинг паст-баландини ўрганиб олдим.

Йигирма беш йилдирки, Пелагея Михайловна шу корхонада бичиқчилик қилиб келмоқда. Бу давр ичида у кўплаб шогирдлар тайёрлади. Уста пойафзалчи кейинги тўрт йил мобайнида олти ишчига бичиқчиликни ўргатди.

— Ҳозир бутун тажрибаларимни Светлана Фоменкога ўргатмоқдаман, — дейди ўртоқ Рибченко. — Светлана ҳаракатчан, оғзингдан чиққанини бажо келтиришга ҳамиша шай турадиган ижрочи шогирдларимдан бири бўлиб етишишига ишончим комил. Чунки у ўзига топширилган ишни сидқидилдан бажариш билан бирга, кечқурунлари корхонамиз ҳузуридаги пойафзалчилар билим юртида малака ва маҳоратини оширмоқда.

Пелагея Михайловна илғор тажрибаси шайдолари кўп. Шунинг учун ҳам корхонада унинг тажриба мактаби ташкил қилинган. Пелагея Михайловна бундай машғулотларда ўз бой тажрибаларини ёшларга қунт билан ўргатмоқда. Айниқса, унинг тежамкорлик борасидаги илғор иш усуллари кўпчиликда катта таассурот қолдирмоқда. Илғор ишчи ускуналарнинг созлиги, уларни бекор турғизиб қўймаслик, вақтида жорий ремонт қилиб бориш, иш жойини ҳамиша тоза сақлаш иш вақтинигина эмас, балки ҳом ашё ҳамда материалларни ҳам муттасил тежашга ёрдам беришини иш устида ўргатади, тушунтиради. Унингча, булар «майда-чуйдалар» эмас. Балки ана шуларга амал қилиш натижасида бир жуфт пойафзални нормадагидан икки ҳисса кам вақтда тайёрлашга эришиш мумкин. Бундай тежашлар минутлар, дақиқалардан иборат бўлса ҳам, бутун смена давомида бир неча соатни иқтисод қилишга ёрдам беради. Мутахассислар билан кенгашиб, бичиқчиликда юзага келган янгиликларни қўллаш ҳам яхши натижалар бераётганлигини қунт билан оммалаштирмоқда.

Рақамларга мурожат қилайлик. Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган даврида Пелагея Михайловна 40 миллион 170 минг квадрат-дециметр тўқилган материални пойафзалга мослаб бичган бўлса, шу давр ичида 2 миллион 260 минг квадрат-дециметр материални иқтисод қилиб қолишга эришди. Беш йилликнинг якунловчи йилида у тағин 250 минг квадрат-дециметр ҳом ашё тежаш учун курашмоқда. Бу нима деганиг? Шунча тежалган ҳом ашёдан 21 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқариш мумкин.

Пелагея Михайловнанинг тежамкорлик соҳасидаги тажрибаси кенг тарғиб қилинмоқда. Ҳозир корхонада беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақа кундан-кунга авж олмоқда. Тикувчилик цехининг ишчиси Собиржон Одилжонов, тагчарм ёпиштирувчи Соҳиб Сиддиқовлар ҳам икки беш йиллик маррасини эгаллаш арафасида. Улар май ойида 1981 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришга киришиш тадбирларини кўришмоқда.

Ўтган йили Саид Раҳимов бир беш йилликда икки беш йиллик маррасини эгаллашда пойафзалчиларнинг даъваткори бўлиб майдонга чиққанди. Бугун унинг издоши Пелагея Михайловна Рибченко ғолиб саналди. Эртага яна янги қаҳрамонлар чиқади. Улар бугунги ва кечаги ғолиблар эгаллаган марраларни забт этибгина қолмасдан, ўзиб ҳам кетадилар. Бошқаларни янги улкан марраларни эгаллашга даъват қиладилар. Шу тариқа беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун кураш мусобақаси авж олаверади, унинг якунлари эса экономикамизнинг юксалишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаверади.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

# ТАМБОВ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ТАМБОВ, 10 март. (ТАСС). Бу ерда Тамбов область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум КПСС Марказий Комитетининг «Тамбов область партия ташкилотида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳволи тўғрисида»ги қарорини ҳамда шу қарорни бажариш соҳасида область партия комитетининг, шаҳар ва район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг вазифаларини муҳокама қилди.

Докладчи — область партия комитетининг биринчи секретари В. И. Черний, музокараларда сўзга чиққан коммунистлар КПСС Марказий Комитетининг қарорини якдиллик билан маъқуллаб, бу қарор область партия ташкилотининг жанговарлигини ошириш, партия ички демократиясини ва коллектив раҳбарлик принципини ривожлантириш, ташкилотчилик ва сиёсий иш савиясини юксалтириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг янги ғамхўрлигини кўрсатувчи далил эканлигини таъкидладилар.

Пленум қатнашчилари область партия комитети, унинг бюроси, В. И. Черний ва область партия комитетининг бошқа секретарлари, область ижроия комитетининг раиси П. А. Забавников, унинг ўринбосарлари ҳамда бир қанча бошқа раҳбарларнинг иш услуби ва методларини танқид қилдилар. Шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари А. А. Кочетков, Н. П. Коротков, К. И. Сабетов, машинасозлик заводи партия комитетининг секретари В. А. Куц ва бошқалар музокараларда сўзга чиқиб, область партия комитети, унинг бюроси ва секретарлари ўз ишларини ўз-ўзини танқид асосида таҳлил қилиш соҳасида намуна бўлмаётганликларини, хотиржамлик, муросасозлик кўрсатаётганликларини, топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини оширишга суст қараётганликларини уқтириб ўтдилар.

Областда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари беш йиллик план топшириқларига нисбатан анча орқада қолмоқда, капитал қурилиш планлари бажарилмаётир, янгидан ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватларидан яхши фойдаланилмаётир, бунинг натижасида ўтган тўрт йил мобайнида саноатда фонддан самара олиш кескин равишда пасайиб кетди. Кўпгина ишлаб чиқариш коллективларида хўжасизликка, меҳнат интизомини бузиш ҳолларига ва бошка салбий ходисаларга карши етарли даражада кураш олиб борилмаяпти. Бу камчиликлар кўпинча объектив таҳлил қилинмаётир ва уларга партия органларида ҳамда бошланғич партия ташкилотларида принципиал танқидий баҳо берилмаётир. Пленум қатнашчилари диққат-эътиборни бу йил ҳам областнинг кўпгина шаҳар ва районларида халқ хўжалик планларининг бажарилишини таъминлайдиган зарур тадбирлар кўрилмаётганлигига қаратдилар. Шу йилнинг дастлабки икки ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан давлатга сут кам сотилди, 46 та саноат корхонаси маҳсулотни реализация қилиш планини бажармади.

Сўзга чиққан нотиқлар область партия ташкилотида танқиднинг роли пасайтирилиб юборилганлиги, у кўпинча адрессиз характерга эга эканлигини, пастдан бўладиган танқид суст ривожланганлигини қайд қилдилар. Конкрет шахсларнинг камчиликлари, нуқсонларнинг сабаблари камдан-кам таҳлил қилинади. Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари, партия ва давлат интизомини бузаётган раҳбарларга нисбатан кўпинча кўнгилчанглик қиладилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети ва областнинг бир қанча ташкилотлари мажлислар ва кенгашлар чақириш билан кўп шуғулланаётганликлари, бу тадбирлар етарли даражада асос бўлмагани ҳолда тез-тез чақирилиб, кўпгина ходимларни ишдан қолдираётганлиги пленумда кескин танқид қилинди. Партия комитетлари ва совет органлари кўплаб қарорлар қабул қиладилар-у, лекин уларнинг бажарилиши тўғрисида ғамхўрлик қилмайдилар. Шу жумладан, «Тамбовполимермаш» заводининг токари Н. Г. Ардатов, Рассказово шаҳар партия комитетининг секретари В. В. Мосолов, область халқ контроли комитетининг раиси С. И. Чмихов, «Память Ильича» колхозининг раиси В. И. Золотова ва бошқалар ана шу ҳакда гапирдилар.

Область партия комитетининг пленуми пленумларда, партия йиғилишларида ва матбуотда танқидий чиқишларнинг таъсирчанлигини оширишга катта эътибор берди. Шундай бир мисол келтириб ўтилди: «Тамбовская правда» область газетасида сўнгги икки йил ичида саккиз юзтадан кўпроқ танқидий материал эълон қилинган ҳолда кўрилган чоралар тўғрисида газетхонларга тахминан фақат ҳар уч материалдан биттаси юзасидан хабар қилинган. Сўзга чиққан кишилар КПСС Марказий Комитетининг танқидга нотўғри қараётган ходимларга нисбатан қатъий зарба бериш зарурлиги тўғрисидаги йўл-йўриқларининг принципиал аҳамиятга эга эканлигини якдиллик билан таъкидлаб ўтдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудиринг ўринбосари Е. З. Разимов нутк сўзлади.

Область партия комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитети қарорини қўлланма ва оғишмай ижро этиш учун қабул қилди, область партия ташкилотида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни такомиллаштириш юзасидан тадбирлар белгилади.

19 АПРЕЛЬ — БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

# ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

**АНДИЖОН**

**Локомотив депосида бўлиб ўтган митингда москваликларнинг шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди. Митингда коммунистик меҳнат зарбдори С. Афанасьев сўзга чиқиб 19 апрель куни битта тепловознинг арматура қозонини ремонт қиламан, шу куни ишлаб топилган иш ҳақимни беш йиллик фондига ўтказаман, деди. Машинист В. Раззоқов планга қўшимча равишда битта оғир составли поездни манзилга етказишни ваъда қилди. Коллективнинг бошқа аъзолари ҳам шундай мажбуриятлар олишди. Умуман, темир йўлчилар «Қизил шанбалик» кунида иккита тепловозни тўла-тўкис ремонт қилиб берадилар.**

**ҚУҚОН**

**Маҳаллий пойафзал фабрикасининг барча ишчилари, мастерлари, техниклари ва инженерлари 19 апрель куни шанбаликда иштирок этишга аҳд қилдилар. Улар ўша куни 9.000 жуфтдан знёд туфли, шиппак, аёлларнинг ёзлик пойафзали тайёрлаб бериш мажбуриятини олдилар. Ана шу маҳсулотнинг ҳаммаси тежаб қолинган ҳом ашёдан тайёрланади.**

**НАМАНГАН**

**«Ҳаммамиз шанбаликка чиқиш билангина кифояланиб қолмасдан, ўша куни энг юқори меҳнат унумдорлигига ҳам эришамиз» — 10-қурилиш трести коллективи шундай деб сўз бермоқда. Уйсозлик комбинатининг ишчилари 19 апрель куни одатдагидан 2500 сўмлик кўп — 10 минг сўмлик иш бажаришни мўлжалланмоқдалар. Ҳар бир бригада учун қилинадиган иш турлари ва ҳажми белгилаб қўйилди. Шанба куни звеноларга бирор дақиқа ҳам бекор туриб қолмаслиги учун барча материаллар комплектлаб қўйилмоқда.**

**ТОШКЕНТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ КЕНГАШИ**

Кеча Тошкент журналистлар ташкилоти правлениесининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «КПСС Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг пленумда сўзлаган нутқи, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати асосида область журналистлар ташкилотининг вазифалари» тўғрисида Тошкент журналистлар ташкилоти правлениесининг раиси, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори А. И. Исмоилов доклад қилди.



## АРПА ЭКИЛЯПТИ

ОҚОЛТИН. (**«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбиридан**). Район хўжаликларида баҳорги дон-дуккакли ва бошоқли экинлар экиш бошлаб юборилди. «Партия XXIII съезди», «Фарғона», «Андижон», Усмон Юсупов номли, Ворошилов номли совхозларда қисқа вақтда 400 гектар майдонга арпа-беда аралаштириб экилди. Шу кунларда унумдор далаларда 14 экипаж ишлаб турибди. Эрта-индин экипажлар сони 20 тадан оширилади.

Райондаги «Фарғона» совхози маккажўхорикорлари гектаридан 100 центнердан маккажўхори дони етиштириш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Район партия комитети бу ташаббусни маъқуллади. Ҳамма хўжаликларда 80—100 центнерчи маккажўхорикорчилик бригадалари тузилиб, уларга унумдор ерлар, техника воситалари ва минерал ўғитлар ажратиб берилди.

Районнинг хўжаликлари ер етилиши билан маккажўхори экишга шай бўлиб турибди. Бу йил дон-дуккакли ва бошоқли экинлар ҳосилдорлигини ўтган йилдагидан бир ярим-икки баравар кўтариш чоралари кўрилмоқда.

*ПАХТАЧИ РАЙОНИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛАМИЗ*

# МЎЛ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

**ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ ҲАМРОҚУЛ ТУРСУНҚУЛОВ НОМЛИ КОЛХОЗ КЎКЛАМГИ ЭКИШГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНМОҚДА?**

**ЎЗБЕКИСТОН ССР Янгийўл районидаги уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз билан Тожикистон ССР Регар районидаги Ленин номли колхоз аъзолари узоқ йиллардан буён мусобақалашиб, пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Яқинда Ленин номли колхознинг вакиллари Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозда бўлиб, анъанавий мусобақани давом эттириш, якунловчи йилда ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта етиштириш, сут, гўшт, дон, пилла ва бошқа маҳсулотларни кўпайтириб, сотиш яхшилаш, таннархини камайтириш, тўқкизинчи беш йиллликнинг якунловчи босқичини мисли кўрилмаган меҳнат ғалабалари билан якунлаш ҳақида социалистик мусобақа шартномасини имзоладилар.**

**Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз меҳнаткашлари Пахтачи райони меҳнаткашларининг ташаббусига қўшилиб, гектаридан 40 центнердан пахта етиштиришга қарор қилдилар. Қуйида коллектив хўжалик аъзоларининг баҳорги ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.**

Колхозимиз аъзолари регарлик дўстларимиз билан мусобақани кучайтириб, йилдан-йилга янги зафарларга эришмоқдалар. Ўтган йили давлатга 5.220 тонна пахта, 2.380 тонна канап, 258 тонна дон, 125 тонна гўшт, 444 тонна сут, 155 центнер пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериб, мусобақа шартномасида белгиланган мажбуриятларимизни шараф билан бажардик.

Пахтачиликлар Мурожаатида мажбурият фаҳрли ва масъулиятлидир, уни бажариш эса пахтакорлардан кўпдан-кўп меҳнат, ҳосилдорликни ошириш учун маҳорат ва барча резерварни сафарбар этишни талаб қилади дейилади. Биз бугун иш жараёнида бунга амал қиламиз.

Бу йил ҳам анъанага содиқ қолдик. Тўқкизинчи беш йилликнинг якунловчи босқичидаги улкан вазифаларимизни белгилаб, уни тез ва соз бажариш йўллари ҳақида мусобақа боғладик. Бунда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг якунловчи йилда қишлоқ хўжалик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш ҳақидаги қарорига тўла амал қилдик.

Колхозимизнинг якунловчи йилдаги мажбуриятлари қуйидагилардан иборат. 1.415 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили етиштирамиз, бу ўтган йилдагидан гектар бошига 3 центнер кўп демакдир. Давлатга 5.600 тонна «оқ олтин» армуғон этамиз. Ялпи ҳосилнинг 2000 тоннасини машиналарда терамиз. Колхозимиз уруғчилик хўжалиги, шу сабабли уруғлиқ пахта териб олингандан кейинги йиғим-терим ишларини тўла машиналаштирамиз.

Ҳар гектар ердан камида 80 центнердан маккажўхори дони, 200 центнердан канап, 160 центнердан беда пичани, 150 центнердан мева, 150 центнердан узум, 300 центнердан полиз маҳсулотлари оламиз.

Чорвачиликни шаҳдам ривожлантирамиз, ҳар 100 бош сигирдан 95 та бузоқ, 100 бош қўйдан 110 та қўзи олинишини таъминлаймиз. Ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сутни 3.000 литрга етказамиз. Давлатга ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини 410 килограммга, чўчқани 110 килограммга, қўйни 50 килограммга етказиб, гўштга сотамиз. Ялпи сут ва гўштни ўтган йилдагидан анча кўпроқ тайёрланишини таъминлаймиз. Чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаймиз.

Деҳқончилик маданиятини юксалтиришга алоҳида аҳамият берамиз. Ер, сув, ўғитдан фойдаланишни яхшилаймиз, ирригация-мелиорация ишларини кучайтирамиз, бутун ишлаб чиқариш жараёнида қудратли техникага таянамиз. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида меҳнат унумдорлигини 10 процент ошириб, маҳсулотлар таннархини 10 процент камайтирамиз.

Қурилиш-ободончилик ишларини кучайтирамиз, халққа савдо, медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаймиз, колхозчи-деҳқонлар, улар оила аъзоларининг турмуш фаровонлигини яхшилаш учун нималар қилиш керак бўлса, ҳаммасини қиламиз.

Шундай қилиб, тўқкизинчи беш йилликни маҳсулотлар тайёрлаш ва давлатга сотишда колхоз тарихида мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришиш билан якунлаймиз, шу йўл билан ўнинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга мустаҳкам замин яратамиз, Узбекистон Коммунистик партиясининг XIX ва КПССнинг XXV съездларини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз.

Шуни таъкидлаш керакки, мусобақадош дўстларимиз билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бу тадбирларни колхозимиз аъзолари якдиллик билан маъқулладилар, уни бажариш учун бутун куч ва техника воситаларини ишга солишга қарор қилдилар. Баҳор бошланиши билан ҳақ дала ишларини мусобақа шартномасида белгиланган асосда олиб бормоқдамиз.

Мусобақа шартларини бажара бориб, ҳозиргача нима ишлар қилинди-ю, яна нималар қилмоқчимиз, шулар ҳақида фикр юритамиз.

**Ер — бойликлар манбаи.** Юқорида айтилганидек, 1.415 гектар пахта майдонини, шунингдек маккажўхори, канап, ғалла ва сабзавот-полиз майдонларини кузда шудгорлаб қўйган эдик. Қишки ёғингарчиликлар туфайли ер бўрсилдоқ бўлиб қолди. Эндиги муҳим вазифа — ер етилиши билан дарҳол борона ёки чизеллаш ўтказиб, намни тўла сақлаб қолишдан, чигит ва бошқа экинлар уруғини шу намга бир текис ундириб олишдан иборат. Биз шуни кўзлаб иш тутмоқдамиз.

Экин ерларимиз паст-баландликлардан иборат. Шунга қарамай кераксиз ўқариқлар, шохариқлар, марзаларни текислаб экин майдонига қўшиб юбордик, йўлларнинг қирғоқлари, дарахтларнинг остини ҳам экинзорларга айлантирдик. Пахта майдонларини синчковлик билан ўлчадик, унинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиш режаларини туздик. Хуллас, гектарлар тўлиқ. Энди асосий эътиборни кўчатлар сонининг бир хил қалинликда бўлишига қаратамиз. Бунинг учун чигитни энг яхши агротехника муддатларида экиб бўламиз, бир текис ундириб оламиз. Бу йил экишни ўтган йилдагидан бир ҳафта олдин бошлаш ва ўн иш кунида туғаллаш ниятидамиз.

Шу ўринда бир масалага тўхталиб ўтмоқчимиз. Ўтган йили Т. Темиров, Э. Жўраев, Ё. Сарибоев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар гектаридан 45 центнер га етказиб пахта хирмони кўтардилар. Лекин ҳосилдорликда колхозимизнинг ўртача кўрсаткичи даражасида, ҳатто ундан камроқ ҳосил олган бригадалар ҳам йўқ эмас. Бу йил ана шу бригадаларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамладик, қўшимча техника воситалари, ўғит ажратдик. Якунловчи йилда нисбатан паст ҳосилли бригадаларни юқори ҳосилли бригадалар даражасига етказиш йўли билан қўшимча 600 тонна пахта оламиз.

Биз фақат пахтачиликдагина эмас, сабзавотчилик, полизчилик, ғаллачилик, боғдорчилик ва бошқа тармоқларда ҳам ердан унумли фойдаланиш чораларини кўрмоқдамиз, ерни бойликларимиз манбаи деб биламиз, очиқтирмай — ўғит, чанқатмай сув бериб, бегона ўтларни тугатиб, ҳосилдорлигини оширамиз.

**Ўғит — ҳосил хамиртуриши.** Органик ва минерал ўғитлар қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан пахта ҳосилдорлигини кўтаришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Буни кўп йиллик тажрибадан биламиз. Мутахассислар ва тажрибакорлар билан ҳамкорликда экинзорларимизнинг унумдорлигини аниқлаб чиқдик. Ошкора айтиш керакки, тупроқ анча кучсизланиб қолган, кўпроқ ўғит беришни талаб қиляпти.

Давлатимиз 300 тонна минерал ўғит ажратган эди, вақтида ташиб олиб, усти ёпиқ жойларда сақлаяпмиз. Колхозчиларимиз далага 8 минг тонна органик ўғит ташиб чиқаришди. Шуни ҳам айтиш керакки, ерларни кузги шудгорлаш пайтида етарли миқдорда органик ва минерал ўғитлар солганмиз. Лекин бу билан кифояланиб бўлмайди. Шу сабабли органик ўғитлар тўплаш қизғин давом эттирилмоқда. Шу кунларда борлиқ отарава, юк машиналари, тележкалар сафарбар этилиб, далага гўнг, қўй қийи чиқарилмоқда, ҳатто август ойида «шарбат» усулида оқизиладиган органик ўғитларни ҳам шу кунларда жамғариб қўямиз.

Ўтган йилнинг тажрибаси чигит экиш кезида — ерга ўғит солиб кетилганда ўсимлик бир текис ва тез униб чиқишини кўрсатди. Бу йил ҳам шу усулни кенг қўллаймиз. Чигитни карталарга белгиланган схемада жойлаштирамиз, машина терими ҳақида ҳозирданоқ бош қотирамиз. Ҳамма бригадаларга берилган органик ўғит тўплаш топшириғи ошириб бажарилмоқда.

**Техникани тайёрлаб бўлдик.** Пахтачиликни комплекс механизациялаш йўлидан бормоқдамиз. Бу йил баҳор эрта бошланди, ҳарорат тез кўтарилянти. Эҳтимол бундан кейин ҳам ёғингарчиликлар бўлар. Лекин тупроқ қатламида ҳарорат кўтарилиб қолди. Шу боисдан ҳар қанча ёққан ёғмир ҳам тез парланиб кетиши мумкин. Шундай кезда чигит ва бошқа экинларни тез экиб бўлиш учун техника вақтида шайлаб қўйилиши, кеча-кундуз ишлатилиши керак.

Ремонтчиларимиз 30 та ер ҳайдаш, 60 та чопиқ трактори, 28 та пахта териш машинаси, 200 комплекс борона, 15 комплекс чизелни ремонтдан чиқариб қўйдилар. Улар механизаторларга биркитилди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, мавжуд техника воситаларини икки сменада тўла ишлатиш учун механизаторлар етишмайди. Буни бартараф этиш чораларини кўрдик. Қиз-йигитлардан 30 кишини механизаторлар тайёрлаш курсида ўқитдик.

М. Тошбоев, Б. Эркабоев, О. Собиров, Т. Алдашев, Р. Эргашев каби тажрибали механизаторларимиз дала ишларини комплекс механизациялашда байроқдорлик ролини ўйнаб келмоқдалар. Улар ўзлари бошқарадиган универсалларни мавсумга шайлаб қўйдилар. Ёш механизаторларни тажрибали механизаторларга шогирд қилиб биркитдик. Қишлоқ хўжалик экин ерлари, хусусан пахта майдонларини механизаторларга доимий қилиб биркитдик. Шундай қилиб, 30 комплект чигит экиш экипажига эгамиз. Улар чигитни ўн иш кунида сифатли қилиб экиб берадилар, шундан кейин ғўза парваришини бошлаб юборадилар.

Бултур битта машинанинг мавсумдаги иш унуми ўртача 100 тоннани ташкил этган эди. Бу йил битта машинада камида 120 тонна пахта терилишини таъминлаймиз. Кўсак узиш, кўрак чувиш агрегатларини ҳам шу кунларда мавсумга шайлаб қўямиз.

**Уруғ ҳосилнинг онаси.** Уруғчиликка эътиборни кучайтирмоқдамиз. Юқорида айтиб ўтилганидек, колхозимиз уруғчилик хўжалиги. Бултур уруғлиқ пахта тайёрлаш планини ошириб бажарганмиз. Бу йил ўша уруғдан олиб экамиз. Ўтган йилларда пахтазорларимизни вилт босган эди. Шу сабабли беда, каноп экиб, вилтни анча йўқотдик.

Шу кунларда уруғлиқ тайёрлаш ишларини кучайтирмоқдамиз. Навли, районлаштирилган, давлат стандартига мос келадиган, касалликларга бардошли, серҳосил, эртапишар пахта чигити ва бошқа экинлар уруғини экамиз. Уруғлиқни заводдан ташиб келтириш учун махсус транспорт воситалари ажратдик, сақлаш жойлари ҳозирладик, дорилаш учун хандаклар тайёрламоқдамиз. Чигит экиш билан бир кезда ерга гербицидлар сепамиз. Бу билан бегона ўтларни йўқотамиз. Уяларга белгиланган миқдорда чигит ташлайдиган сеялкалардан айниқса тадбиркорлик билан фойдаланамиз. Мақсадимиз ягона ўтказмасдан ҳар гектар ерда белгиланган миқдорда ниҳол бўлишини таъминлашдир.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ҳар йили ариқ-зовурларни чигит экиш бошлангунча тартибга келтириб чиқамиз. Бу йил ҳам шундай қилдик, 47 километр масофадаги ариқ-зовурлар тартибга келтириб бўлинди, йўл-кўприклар тузатилмоқда, суғориш иншоотлари яхшиланмоқда.

Уруғчилик ҳақида гап борганда маккажўхори, беда, сабзавот, полиз экинларини ҳам назарда тутиш керак. Бу йил гектаридан 80 центнердан маккажўхори дони оламиз деганмиз. Маккажўхори учун ажратилган ерларни ҳам шудгорлаб, ўғитлаб қўйдик. Яқин кунларда уруғни ерга қадаймиз. Бу йил беда майдонини 100 гектар кенгайтирамиз. Пахта-беда алмашлаб экиш схемаси шундай мкониятни бермоқда.

**Чорва маҳсулотлари кўпайтирилади.** Чорвачилик хўжалигимиз фаолиятининг таркибий қисмидир. Маккажўхори дони ва кўкпояси, силос, сенаж тайёрлашни кўпайтирамиз. Бу билан чорвачиликни ривожлантиришга замин яратамиз. Келаси қишлов учун 5.500 тоннадан зиёд беда пичани, салкам 21 минг тонна озуқа, 240 тонна лавлаги тайёрлаб қўйишга қарор қилдик. Бунинг учун экинларни вақтида экиш, бир текисда ундириб олиш ва яхши парвариш қилиш йўли билан юқори ҳосил олишини таъминлаш зарурлигини яхши тушунамиз. Анор Холжигитова, Дилбар Ҳамроқулова, Саноабар Висметова, Рисолат Маматқулова, Дилорам Жўраева, Сора Эликбоева каби сигир соғувчиларимизнинг ҳар бири ўз боқимидаги ҳар бош сигирдан 3200 килограммдан 3800 килограммгача сут соғиб олишга сўз бердилар. Молбоқарларимиз ҳар бош қорамолнинг тирик вазнини 450 килограммга етказиш мажбуриятини олдилар. Хуллас, бу йил давлатга фақат юқори семизликдаги чорва молларини гўштга топширамиз.

Сигирлардан бузоқ, йилқилардан қулун, совлиқлардан қўзи олиш планларини ошириб бажарамиз. Она-Ватанга пилла сотишни ҳар қачонгидан кўпайтирамиз, пилла ҳосилдорлигини кескин оширамиз.

**Қурилиш-ободончилик ишлари.** Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳамма турларидан юқори ҳосил олишни кучайтириш билан бир қаторда қурилиш-ободончилик ишларини авж олдирамиз. Шу йилнинг ўзида 600 сигирга мўлжалланган чорва комплексини қуриб битказамиз ва ишга тушурамиз. Типовой ремонт-механика устахонаси барпо этамиз. Яна намунали дала шийпонлари қурамиз. 100 ўринли болалар боғчаси биносини кичкинтойлар ихтиёрига топширамиз. Табиий газни 5 километр узайтирамиз, 40 колхозчига даниллама уй қуриб берамиз. Яна бир қатор катта тадбирларни амалга оширамиз.

Ҳар бир колхоз ва совхознинг ўз шароити, далаларнинг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш учун ўз имкониятлари бор, дейилади Пахтачи райони меҳнаткашларининг мурожаатида. Уларни ҳаракатга келтириш ўзимизга боғлиқдир. Ҳар биримиз ўз участкамизда мардлик билан меҳнат қиламиз, она-Ватанимизнинг шон-шуҳратини ошириш, пахтакорлик номини янада улуғлаш учун нималар қилиш керак бўлса, ҳаммасини қиламиз. Колхоз партия комитети барча меҳнаткашлар, хусусан коммунистларнинг диққат-эътибори, куч-ғайратини шунга қаратмоқда, оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни шунга йўналтирмоқда. Ваъда вафоси билан ғўзал. Юксак мажбуриятлар қабул қилган колхозимиз аъзолари уни шараф билан бажарадилар, партия ташкилотлари, мусобақадош дўстларимизга ёруғ юз билан рапорт берадилар.

**Усарбой ЖЎРАЕВ,**
**Тошкент область Янгийўл районидаги уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз раиси.**
**Бурхон СУЛТОНОВ,**
**партия комитети секретари.**

Суратда: Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз раиси У. Жўраев (ўртада) регарлик мусобақадошларга ремонтдан чиқарилган ва сифатдан ўтказилиб чигит экиш мавсумига шайлаб қўйилган техника воситаларини кўрсатмоқда.

А. Тўраев фотоси.

## ЭРТАНГИ САБЗАВОТ ЭКИЛЯПТИ

УЛУҒБЕК, (**«Совет Узбекистони» мухбири**). Самарқанд районидаги «Ленин байроғи», «Москва», Куйбишев номли, М. Горький номли колхозларда ва «СССР 50 йиллиги» совхозида эртанги сабзавот экишга киришилди. Йирик сабзаворкор «Москва» колхозининг М. Яхшимуродов, И. Хидиров ва Узбекисон ССР Олий Советининг депутати К. Носиров бошлиқ илғор бригадаларда сифатли тайёрланган 15 гектар майдонга редиска, пиёз уруғи сепилди. Карам, помидор ва баклажон кўчатларини далага ўтказиш ҳам бошлаб юборилди. Миришкорлар эртанги экинлар экиш суръатини кундан-кунга оширмоқдалар.

# Оламда НИМА ГАП

## ВИЗИТ ТУГАДИ

АММОН, 11 март. (ТАСС). Иордания Миллат мажлисининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан бу ерда меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси 10 марта Ватанига жўнаб кетди.

СССР Олий Совети делегациясининг Иорданияда бўлиши тўғрисида эълон қилинган ахборотда айтилишича, делегацияни қирол Ҳусайн, Бош минсрт Зайд ар-Рифоий қабул қилди, шуннингдек делегация Миллат мажлисининг аъзолари билан, мамлакатнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари билан учрашди.

Дўстона ошкора вазиятда ўтган шу учрашувлар давомида иккала мамлакат халқларининг ҳаёти тўғрисида ўзаро ахборот берилди. СССР ва Иордания қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш йўллари муҳокама қилинди. Томонлар актуал халқаро проблемалар хусусида ва, аввало, Яқин Шарқдаги аҳвол масалалари хусусида ҳам фикрлашиб олдилар. Исроил қўшинларини 1967 йилда оккупация қилиб олинган барча араб ерларидан, шу жумладан Қуддуснинг арабларга тегишли қисмидан батамом олиб чиқиб кетиш ва фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш асосидагина бу районда адолатли ва мустақил тинчлик ўрнатиш мумкинлигини улар таъкидлаб ўтишди. Томонлар БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрь ва 1973 йил 22 октябрь резолюцияларини бажариш зарурлигини уқтириб ўтдилар.

Совет томони СССРнинг Араб мамлакатлари билан дўстлик ва ҳамкорликни янада кучайтириш сиёсати ўзгармас ва изчил сиёсат эканлигини таъкидлади, арабларнинг одилона ишини, уларнинг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш йўлидаги курашини тўла қўллаб-қувватлашни изҳор этди.

Ахборотнинг пировардида ҳар иккала томон Совет — Иордания муносабатларини ривожлантиришга интилишлари таъкидлаб ўтилади ҳамда бу муносабатларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун янги куч-ғайратлар сарфланади, деб умид билдирилади.

## ОҚ ЙЎЛ

Яқинда «Шкода» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электровозсозлик заводи ишчилари совет вакилларига ЧС—2 сериядаги мингинчи локомотивни тантанали равишда топширдилар. Бу халқаро савдо тарихида темир йўл фирмаси ишлаб чиқарган шу сериядаги электровозлар учун берилган энг йирик буюртмадир, деди завод директори О. Подебрадский.

Бу ЧССР ва СССР ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик янада мустаҳкамланаётганлигидан дарак беради. Шкодачилар бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳам яхши ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Завод ишлаб чиқарган «ЧС» сериядаги электровозларнинг 60 проценти яъни икки мингга яқини ҳозирги вақтда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг темир йўл магистралларида ишлатилмоқда. Бу ерда 1961 йилгача заводда 3500 от кучига тенг, тезлиги соатига 120 километр бўлган электровозлар ишлаб чиқарилар эди. Кейинчалик улар ўрнига қуввати 6500 от кучига тенг, соатига 160 километр тезликдаги ЧС—2 ва ЧС—21Т серияли электровозлар ишлаб чиқаришга кўчилди. Электр тормозлари, трассадаги сигнализацияни автоматик тарзда назорат қилиш системаси, радиотелефон ва бошқа кўпгина ускуналар оғир составларни катта тезликда хавфсиз ва ишончли бошқаришни таъминлайди. Айни пайтда конструкторлар 8400 от кучи қувватига эга, соатига 200 километр тезликда юра оладиган ЧС-200 серияли машинанинг лойиҳаларини яратмоқдалар.

Шкодачилар ўз электровозларининг Москва темир йўлларида ишлатилаётганидан, ҳатто оғир об-ҳаво шароитида ҳам Урал ва Сибирь трассаларида бемалол юраётганидан фахрланмоқдалар.

Совет Иттифоқи учун тайёрланган мингинчи электровоз йиғув цехидан чиқди. Унинг завод рақами 6709. «Шкода—Плзень» заводи ишчилари унга оқ йўл тилаб қоладилар.

**В. ТЕРЕНИН,**
**АПН махсус мухбири.**

## СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

### ҚУРУВЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

БУДАПЕШТ. Дунайварош металлургия комбинати, Ленинварошдаги азотли ўғитлар заводи, Будапешт ва Кекчеметдаги шинам уй-жой кварталлари — буларнинг ҳаммаси совет бинокорлари билан Венгрия бинокорлари ўртасида вужудга келган қалин ҳамкорлик босқичларидир.

Совет мутахассислари ВХРни индустриалштириш йилларида кўпгина саноат объектларини қуришда ёрдам бердилар, Будапешт метросини қуришда кўмаклашдилар.

Венгриялик мутахассислар эса Совет Иттифоқида электр станциялари ва суғориш системаларини, сабзавот ва мева омборларини лойиҳалаш ва қуришда актив қатнашмоқдалар.

### «МОСТОСТАЛЬ» — ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР РЕКОРДЧИСИ

ВАРШАВА. Польшада «Мостосталь» қурилиш-монтаж бирлашмасини саноат объектларини қуриш бўйича рекордчи деб айтишади. Кендзежин, Освенцим, Тарнобжекдаги химия комбинатлари, кемасозлик корхоналари ва тўғонлар, замонавий универмаглар ва электр станциялар, Чехословакия, Югославия, ГДР, Франция, Миср, Бирма, ГФРдаги баъзи заводлар «Мостосталь» ишчиларининг иштирокида қурилган.

Ҳозирги вақтда «Мостосталь» мутахассислари Польша саноатининг янги улкан иншооти — «Катовице» металлургия комбинати қаватларини кўтаряптилар, «Козеница» электр станцияси агрегатларини монтаж қиляптилар, Люблин кўмир ҳавзасида шахталар қураяптилар.

### МАШҲУР «АРОМА» МАРКАСИ

СОФИЯ. Болгариядаги парфюмерия-косметика индустриясининг катта корхонаси «Арома» маҳсулотларининг довруғи бутун дунёга ёйилган. Софиялик усталар тайёрлаган атир ва одеколонлар, крем ва помадалар, шифобахш-декоратив дорилар ва бошқа маҳсулотлар Совет Иттифоқи ва Италияга, Чехословакия ва Қувайтга, ГДР ва Ироққа экспорт қилинмоқда.

«Арома» маҳсулотлари манзур бўлаётганлигининг асосий сабаби шуки, улар Болгариядаги машҳур атиргул мойи қўшиб ясалади.

(ТАСС).

## ЛЕЙПЦИГ ЯРМАРКАСИ

ЛЕЙПЦИГ. (ТАСС). Бу ерда очилган халқаро баҳор ярмаркасининг 350 минг квадрат метрдан иборат кўргазма майдонида 60 мамлакатдан келтирилган 9000 экспонат намойиш қилинмоқда.

Совет Иттифоқи бу йил ҳам ярмарканинг энг катта ҳорижий иштирокчисидир. Совет Иттифоқи павильонига қўйилган олти минг экспонат орасида электр техника ва электроника буюмлари, станоклар, қишлоқ хўжалик машиналари айниқса кўзга ташланиб турибди. Виставканинг совет павильонида Арманистон ССРнинг мустақил бўлими бор.

Бельгия. Жаҳонга машҳур биллур буюмлари тайёрловчи «Зальсен-Ламбор» заводи ёпилиш хавфи остида турибди. Ишчилар бунга қарши норозилик билдириб, забастовка эълон қилдилар ва заводни эгаллаб ишлаб чиқариш устидан назорат ўрнатдилар. Суратда: завод олдидаги намойиш.

А. Званцов фотоси. (ТАСС).

## КОШТА ГОМЕШНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Португалия президенти Кошта Гомеш Франция телевиденияси мухбири билан суҳбатда янги Португалияни барпо этиш учун Португалия Коммунистик партиясининг шижоатли фаолияти зарур, деди. У Португалия Компартияси мамлакатда бошқа сиёсий партиялар каби роль ўйнамоғи учун ҳамма асослар бор, деб таъкидлади.

## ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ТАЗЙИҚИ ОСТИДА

БАНГКОК. (ТАСС). Камбоджа ватанпарварлари Пномпень мудофааси шимолий ва ғарбий периметрлари бўйлаб тазйиқни кучайтирдилар. Пойтахтдан 10 километр шимолдаги Прекпну районида айниқса қаттиқ жанглар бўлди. Лон Нол режимининг ёқилғи запаслари бўлган муҳим базалари мана шу ерда жойлашган.

Пномпень қўшинларининг Пномендан шимолий-ғарбдаги «ракета пояси» деб аталган ва Почентиг аэродромини тўпга тутаётган ватанпарварларнинг артиллерия позициялари жойлашган район сари ўтмоқчи бўлиб қилган ҳамма уринишлари натижасиз чиқди. Американнинг қурол-яроғ, ўқ-дори ва аслаҳа ортган транспорт самолётлари юки туширилаётган аэродром яна қаттиқ тўпга тутилди.

«Кўчат экинг, боғ қилинг». Тошкентдаги боғдорчилик совхозининг 4-бўлими гулчилари шу кунларда ана шундай шиор билан меҳнат қилишмоқда. Улар 2 миллион донадан ортиқ гул кўчати етказишмоқчи. Суратларда: гулчилар Д. Исломова, Ҳ. Баратова, (юқорида) ва Р. Бикиналар. (Пастда) гул кўчатларини кўздан кечирмоқдалар. И. Глауберзон фотоси.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

# ҚАЙНОҚ ҚАЛБ СОҲИБИ

Узбекистон ССР Министрлар Советининг Ўрмон хўжалиги давлат комитети ходимлари Ориф Абзаловни 70 ёшга тўлганлиги билан табрикламоқдалар. Ориф ака шу ёшда ҳам жўшқин меҳнат қилмоқда. Овчилик ва табиатни муҳофаза қилиш ишлари бошқармаси бошлиғи сифатида тоғлиқ ерларда дарахтзорлар барпо қилиш, қўриқхоналарда турли парранда ва ҳайвонларни кўпайтириш, овчиликни тартибга солиш ишларига бошчилик қилаётир.

Ориф Абзаловнинг ҳаёт йўли ҳаммамизга сабоқ бўларлидир. 15 ёшида, 1918 йилда Фарғона шаҳар ҳарбий комиссариатида алоқачи бўлиб ишлагани, Тошкентдаги «Қизил шарқ» (ҳозирги Октябрь революцияси номли) заводининг электр цехида меҳнат қилгани, коллективлаштириш даврида Бухоро области партия ва совет ташкилотларида партия сиёсатини изчиллик билан амалга оширгани, Шаҳрисабз район партия комитетининг секретари, Пастдарғом район ижроия комитетининг раиси, Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари лавозимларида ишлаб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, пахтачиликни юксалтиришга қўшган ҳиссаси — хуллас, Ориф аканинг халққа сидқидил хизмати тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин.

Ватанимизга фашист босқинчилари бостириб кирган вақтда коммунист Абзалов биринчилар қатори фронтга отланди. Жонажон Москвамизни ҳимоя қилишда, Сталинград жангида фаол қатнашди. Икки марта оғир ярадор бўлди.

Урушдан қайтиб келгач, у яна жўшқин меҳнат қучоғига отилди. Яна партия ва совет ташкилотларида ишлаб, халқ хўжалигини ривожлантириш, пахтачиликни юксалтириш ишларига бошчилик қилди. Учинчи «Далварзин», «Чаноқ» (ҳозирги Ойбек номли) совхозларнинг директори бўлиб ишлагани, Мирзачўлни ўзлаштириш комиссияси аъзоси сифатидаги фаолияти, Қуйи Чирчиқ ва Бекобод районларида янги хўжаликлар ташкил этиш соҳасидаги хизматлари — ҳамма жойда Ориф ака коммунист деган юксак номга яраша меҳнат қилиб, қалб кўрини умумхалқ ишига сарфлаб келди.

Ниҳоят пенсияга чиқиш вақти ҳам келди. Лекин қайноқ қалб соҳиби меҳнатдан узоқлашишни тасаввур қила олмайди. Овчилик ва табиатни муҳофаза қилиш бошқармасига ўтиб бутун кучғайратини табиат эҳсонини кўриклашга ва кўпайтиришга сарфлай бошлади. Қўриқхоналарни кўпайтириш, парранда ва ҳайвонларни асраш, уларни қишдан омон олиб чиқиш, қуш ва ҳайвонларни ўзбошимчалик билан ов қилувчиларни тийиб қўйиш каби олижаноб ишлар билан шуғулланмоқда у.

Ориф ака жамоат ишларида актив қатнашиб келмоқда. СССР ва Узбекистон ССР табиатни муҳофаза қилиш комиссияларининг аъзоси, республика колхоз-совхозлар тарихи жамоатчилик институти советининг аъзоси Ориф Абзалович Абзалов ёшлар билан учрашишга вақт топади. Уларга ўзининг сермазмун ҳаёт йўли ҳақида сўзлаб беради. Ахир унинг республикамизда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, босмачиларнинг қолдиқларини тугатиш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш иншоотлари қуриш, «оқ олтин» етиштиришни кўпайтириш ишларига қўшган ҳиссаси озмунча эмас. Унинг кўксини безаб турган Қаҳрамонлик олтин медали, Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, II-даражали Ватан уруши, Ҳурмат белгиси орденлари ва кўша-кўша медаллар шундан далолат бериб турибди.

Ориф аканинг сон-саноқсиз дўстлари, шогирдлари уни 70 ёшга тўлганлиги билан, меҳнат фаолиятининг 55 йиллиги билан қизғин табриклаб, узоқ умр ва сиҳат-саломатлик тиламоқдалар.

**И. ҚУРБОНОВ,**
**Узбекистон ССР Министрлар Совети Ўрмон хўжалиги давлат комитети раисининг ўринбосари.**

ФАН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

# КЎКАТ ДОРИХОНАСИ

Чимкент химия-фармацевтика заводида Урта Осиёда ўсадиган ва классификация жадвали бўйича анабазис афилла, халқ тилида эса болдирик дейиладиган ўсимликдан мана 40 йилдан бери анабазин сульфат олиниб келяпти. Бу самарали, ишда қулай инсектициднинг битта салбий томони бор: у жуда қимматга тушади. Чунки катта ва такомиллашмаган технологиядан ўтказишга тўғри келади. Диффузия принципига асосланган анабазин сульфат ишлаб чиқариш схемаси узлуксиз бўлмаганлиги сабабидан кўп қўл меҳнати талаб қилувчи процессни автоматлаштиришга имкон бермасди.

Олимлар завод мутахассисларининг илтимосига биноан ва улар билан ҳамкорликда янги саноат схемасини ишлаб чиқдилар. Улар диффузион батарея ўрнига узлуксиз ишловчи экстрактор қўйдилар. Бу метод замонавий асосда анабазин олишга, тутиш технологик цикл яратиб ундан қўл меҳнатини қарийб тамомила чиқариб юборишга имкон берди.

Лекин бу кимёгарлар ўз олдиларига қўйиб ҳал этган проблеманинг бир қисмидир, холос. Чимкентлик инженер В. Захаров, тошкентлик биоорганик олимлар Х. Асланов, А. Содиқов, А. Эшбоев анабазин сульфат етиштириш янги технологиясини ишлаб чиқиб, процессини такомиллаштира бориб, катта бир мақсадни кўзлар эдилар. Улар яратган установка янги даволаш препаратининг дастлабки моддаси — анабазин гидрохлорид чиқара бошлади. Бу моддани никотинга қарши таъсир этиш хусусияти бор. Шу моддадан тайёрланган ҳаб дорилар (таблеткалар) клиник синовлардан яхши ўтди ва кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

Болдирикни ҳақиқий кўкат дорихонаси дейиш мумкин. Унинг таркибида анабазиндан ташқари шифобахш аҳамиятга эга бўлган яна тўққиз хил алколоид бор. Эндиликда янги технология бўйича шуларнинг ҳар бирини соф ҳолда олиш мумкин. Чимкентдаги установкада болдирикдан шундай табиий бирикмалардан бири — лупинини ҳосил қилинди. Каунаслик фармакологлар лупинин асосида хлорикани ишлаб чиқардилар.

Олимлар ўсимлик хом ашёсидан шу тахлитда афиллик, афиллизин, анабазамин ва бошқа алколоидлар олиниши мумкинлигини исбот қилдилар. Лекин бу моддалар ҳозирча амалда кенг кўламда қўлланилаётгани йўқ. Олимлар эса бу борадаги тадқиқотларни давом эттирмоқдалар.

А. БАРАНОВ,
(ЎзТАГ мухбири).

АХЛОҚ — ОДОБ МАВЗУИДА

# УМРЛАР БЎЛАДИКИ...

Очил Тошевни Қашқадарёда каттадан-кичик яхши танийди. Унинг тўғрисида гап кетганда яхши ниятларни, қайноқ инсон ҳиссиётларини ҳаяжонга солувчи фикрларни баён этишади. Мана 30 йилдирки, Очил Тошев областнинг турли жойларида совет ташкилотларида ишлади, хўжаликларга раҳбарлик қилди. Қаерда бўлмасин, хоҳ катта, хоҳ кичик вазифада ишламасин, ўз бурчини сидқидилдан бажаришга, одамлар қалбига киришга тиришиб меҳнат қилди.

Областдаги энг йирик пахтачилик хўжалиги, Ульянов районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Партия XX съезди» совхозига 10 йил директорлик қилди. У раҳбарлик қилган йилларда пахта ҳосилдорлиги ошди, кўплаб янги ерлар очилди, каналлар қурилди. Совхоз қишлоқлари таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. «Партия XX съезди» совхозидан 5 та йирик совхозлар ажралиб чиқди. Ҳозир бу совхозларда Очил аканинг шогирдлари раҳбарлик қилишяпти. Очил Тошев ўтган йили қалб амри билан Қарши даштининг қоқ ўртасида ташкил топган 27-совхозга директор бўлиб келди.

Камгап, камтарин бу инсон ўзининг нимаси билан одамларнинг шунчалик ҳурматига сазовор бўляпти? Қашқадарёдаги кўпгина совхозларнинг ишлаб чиқариши, ўсиши, улғайиши ва ривожи Тошевнинг номи билан боғлиқ. Чунки, у бир қатор совхозларга раҳбарлик қилди, хўжаликларни ташкил этишда жонбозлик кўрсатди. Коллективга раҳбарлик қила билиш, кишилар қалбига йўл топиб ишлашнинг ўзи бир санъат. У шу санъатни мукаммал эгаллаб олган хўжалик бошлиғи. Ҳатто областдаги қатор ташкилотларнинг раҳбарлари бу тўғрида унга тан беришади, пахтачилик бобида эса улкан олимлар ҳам у билан маслаҳатлашадилар, фикрлашадилар. Шунинг учун ҳам Очил Тошев қаерда ишламасин социалистик мусобақанинг байроқдорларидан бири бўлиб қолаётир. Ҳар бир ишда унинг бой тажрибаси, ташкилотчилик, ишчанлик таланти қўл келяпти.

Даштда ташкил топган совхозда ҳам уни илиқ кутиб, олишди. Хўжалик ташкил топганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Ана шу қисқа давр ичида янги директор ўзининг иши, хулқ-атвори, камтарлиги, талабчанлиги билан коллективни жипслаштирди, уюштираолди.

Партия-ҳукуматимиз Очил Тошевнинг хизматларини юксак қадрлаб кўксига қўша-қўша орден ва медаллар тақиб қўймоқда. У бир неча бор Узбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланди.

Ҳожи Бегимқулов 1935 йилдан то пенсияга чиққунга қадар Деҳқонобод районидаги «1-Май» колхозида раислик қилди. Унинг меҳнат фаолияти, ҳаёт йўли барчага ибратли. 38 йил давомида узлуксиз колхозга раислик қилди, энг оғир damларда одамлар орасида бўлди, уларнинг меҳрибон кишисига айланди.

Айрим қариялар баъзи ёшларни лавозимини суиистеъмол қила бошлади. Бировнинг номига «Урал» маркали, кажавали мотоцикл, Қарши шаҳар ижроия комитетидаги айрим ўртоқларни лақиллатиб қурилиш материаллари, шифер олиб бозор нархида пулларини меҳр-оқибатсизлигидан нолиб юришади, «биз раҳбар бўлган пайтларда фалон ишлар қилардик», — деб мақтанишади. Гап шундаки, меҳр-оқибатни киши юриш-туриши, яхшилиги билан одамлар қалбига сингдириши, таъбир жойиз бўлса экиб, ундириши керак. Ҳожи ака икки йилдирки, пенсияга чиқди. Ҳамон одамлар қуршовида нуроний маслаҳатгўй, талабчан рўзғорбоши. «От ўрнини той босади» деганларидек, ҳозир унинг ўғли Темир Ҳожимқулов райондаги йирик совхозларнинг бирига раҳбарлик қиляпти.

Ҳурматли адибимиз Мақсуд Шайхзода таъкидлаганидек,

Умрлар бўладики,
Тиригида ўликдир,
Умрлар бўладики.
Ўлган одам тиригдир.

Шаҳрисабз районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ленин номли колхознинг собиқ раиси, марҳум Ғани Бобоёров ана шундай тириклигидаёқ одамлар қалбига ўзидан ҳайкал қўйиб, фақат яхшиликлар билан яшаб ўтди. У ўн йиллар давомида колхозга етакчилик қилди. Шу давр ичида хўжалик областнинг энг илғор колхозларидан бирига айланди, қишлоқлар қайта қурилди. Колхоз марказн — Ленинобод қишлоғи ташкил топди. Равон йўллар чиқарилди, кўплаб маданий-маиший, турар-жой бинолари қурилди.

Ана шундай халқ орасидан етишиб чиққан, ўзининг партиявий бурчига содиқ кишилар кетидан минглаб кишилар эргашади, улардай бўлишга тиришади. Шунинг ўзи ҳам ажойиб инсонларга берилган катта баҳодир.

Айрим одамлар борки, бирон лавозимни эгаллаб оларкан, шу билан чекланмаган ҳуқуққа эга бўлдим, деб ҳисоблайди, камтарликни йўқотиб қўяди, босар-тусарини билмай, ўз бурчини унутади. Бундан бир йил муқаддам Қарши шаҳар халқ контроли комитетида Раҳмон Ражабов деган шахс бир оз муддат раислик лавозимини эгаллаб турган эди. У тез орада ўзини йўқотиб қўйди, хатто қаллоблик йўлига ўтди, юқоридаги «Пахтакор» колхозида ҳам сув танқислиги йўқолди, ҳосилдорлик ошди, планлар бажарилиб кетаверди. Бу раисга шон-шуҳрат келтирди, унинг кўкрагига орденлар тақишди. Семизликни қўй кўтарар экан, лекин Шоназаров бу иззат-ҳурматни кўтара олмади, шуҳрат соясида нотўғри хатти-ҳаракатлар қила бошлади. Колхозда меҳмонхона қурдириб «дача» деб атай бошлади. Раис ана шу «дача»дан чиқмай, хўжаликка телефон орқали раҳбарликни амалга оширмоқчи бўлди. Колхоз активлари, мутахассислари билан ҳисоблашмай, хўжалик аҳлига кўринмай қўйди. «Дача»да меҳмон қабул қилиб, қузатиш, айшу-ишрат қилишдан бўшамай қолди. Натижада колхоз ишлаб чиқариши издан чиқди, ҳазинага путур кетди, хўжаликнинг кўплаб маблағини раис бошлиқ бир неча юлғичлар ўзлаштира бошлади. Колхозда ариза ва шикоятбозлик авжига чиқди. Бу тартибсизликлар раисни ишдан бўшатиш билан барҳам топди.

Соғлом, юзидан қон томиб турган бўлишига қарамасдаан касалликги туфайли, аризасига мувофиқ деб ишдан силлиққина олишди. Шундан сўнг собиқ раис Ульянов район қишлоқ хўжалик бошқармасидан паноҳ топди. Бошқармада ҳам тўрт ой ишлар-ишламас штатлар қисқариб собиқ раис ишсиз қолди. Шундан сўнг А. Шоназаровнинг саргузашти бошланди. Катта мансаб сўраб, юқори идораларга қатнайверди. Кичикроқ мансабни таклиф этишганида у рад этди. Шундай қилиб Шоназаров оддий вазифаларда ишлашни ўзига эп билмай 3 ой бекор юрди. У раислик пайтида орттирган ошна-оғайларинкига қатнайвериб, уларнинг остонасини силлиқ қилиб юборди. Натижада уни кўкларга кўтариб мақтайдиган, Қашқадарёнинг энг покиза ва ишчан одамларидан бирига айлантирилиб ёзилган характеристикага эга бўлиб олди ва тез орада Қарши даштида янгидан ташкил этилган 21 совхозга директор қилиб тайинланди.

Жамиятимизда раҳбар билан унинг қўл остидаги одамлар ўртасида кичик бўлса ҳам фарқ ва оралиқ йўқ. Раҳбар коллективга бошчилик қилар экан, у биринчи галда ўз вазифасига нисбатан масъулият сезиши, юксак партиявий эътиқодли бўлиши зарур. Коллективда раҳбарнинг обрўси шишадек тиниқ ва тоза бўлиши керак. Раҳбар учун сунъийлик, ёлғончилик, қўзбўямачилик мутлақо ярашмайди.

Яхшилиқ ва ёмонлик! Яхшилик унутилмайди. Яхшиликка яхшилик қайтади. Ёмонлик ҳам унутилмайди. Ёмонлик ёмонликка бошлайди. Эл назаридан қолишдан ортиқ ёмонлик борми?! Яхшидан от, ёмондан дод, деб бекорга айтмаган доно халқимиз.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

# АХБОРОТ

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

## «ШОН-ШУҲРАТ» МУЗЕЙИ

НАМАНГАН. Норин районидаги «СССР 50 йиллиги» колхозида Улуғ Ватан урушида фашизм устидан эришилган буюк ғалабанинг 30 йиллигига бағишлаб, «Шон-шуҳрат» музейи ташкил қилинди.

Ҳ. ЧУТИБОЕВ.

## ҚУЛАЙЛИК

ФАРҒОНА. Тошлоқ район марказида янги аптека биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Янги замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган аптекада аҳолига хизмат кўрсатиш бошлаб юборилди.

М. АЛИБОБОЕВ.

## ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

ҚАШҚАДАРЁ. Ульянов районидаги 29-мактабда қизиқарли учрашув бўлди. Меҳмонлар Улуғ Ватан уруши ветеранлари Б. Хўжақулов, О. Хонназаров, О. Шукуров ва Б. Ҳайдаровларнинг қаҳрамон Ленинград шаҳрини немисфашистлардан озод қилиш ҳақидаги ҳикояларини ўқувчилар мароқланиб тинглашди.

К. МАВЛОНОВ.

## ЯНГИ БИНОДА

ЖИЗЗАХ. Шаҳарнинг Ленин номли кўчасида икки қаватли бино қад кўтарди. Унга «Жиззах ҳақиқати» ва «Джиззакская правда» газеталари редакцияларининг босмахонаси жойлашади.

А. ЙЎЛДОШЕВ.

## ЯНГИ МАРШРУТ

САМАРҚАНД. 125 километрлик Пангат — Каттақўрғон маршрути бўйлаб автобус қатнай бошлади.

О. АҲАДОВ.

* * *

Шунингдек, редакциямизга Сурхондарёлик Т. Ражабов, тошкентлик Р. Дўсматов, урганчлик М. Холмуродова, қорақалпоғистондан А. Абдирайимов, бухоролик Й. Ҳакимов, хоразмлик З. Қўчқорова, челябинсклик Е. Шаропова, сирдарёлик Ж. Сайиджалилов, Х. Шукуров, жиззахлик Н. Зубаев, С. Холиқулов, самарқандлик Н. Ҳамидов, С. Хўжаев, А. Худойбердиев, фарғоналик М. Жиянов, У. Мамажонов, Қ. Бозоров, Х. Валиев, наманганлик О. Мусаев, С. Мусатоев, андижонлик Х. Ҳамидов, С. Мўйдинов, З. Йўлдошев, Т. Мамадалиев, А. Тўланов, қашқадарёлик П. Ҳакимов, А. Шодиевлар ҳам қизиқарли хат-хабарлар йўллашган.

Редактор М. ҚОРИЕВ.


# реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00— МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 Сенинг замондошинг. 19.05 — Якуновчи йилнинг меҳнат суръатлари. 19.35 — **«Ахборот».** 19.50 — Экономика ва халқ фаровонлиги (Москва). 20.35 — Миллионлар ленинча университети. 20.50 **«Ахборот».** 21.10 — Концерт. 22.00 **«Вақт».** 22.30 — **Уруш ва тинчлик** (2-серия). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 Ўқув кўрсатувлари. 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қуёш акси бор. 19.30 — Концерт. 19.50 — Вальс кечаси (Тошкент). 20.35 — Концерт. 20.50 — **Юрканинг келажаги** (2-серия). 22.00 — Ҳужжатли кино экрани. 22.30 — Қўшиқ — ҳамроҳимиз. 23.30 — Спорт программаси. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Илмий-оммабоп фильм. 20.35 — Тошкент ва тошкентликлар. 21.05 — Тошкент янгиликлари. 21.20 — **Қурмонғози** (бадиий фильм).

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/III да **Анна Каренина,** 13/III да **Кармен.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/III да **Ҳаёт шоми,** 13/III да **Оқшомдан тушгача.**

## КИНО

**Миллионни қандай ўғирлаш керак?** — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «МОСКВА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

**Бева аёлга совға** — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

**Нега бу ҳол рўй берди?** — «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда). «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

**Бороро қабиласининг сири** — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
**15, 16 МАРТ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА**
**МАҚОМ ВА АСКИЯ КЕЧАСИ**

**ҚАТНАШДИЛАР:**
**Узбекистон ССР халқ артистлари: МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ, КОММУНА ИСМОИЛОВА.**
**Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: МАЛОҲАТ ДАДАБОЕВА, ҒУЛОМ ҲОЖИҚУЛОВ, ҒУЛОМЖОН РУЗИБОЕВ;**
**Солистлар: Орифжон ҲАТАМОВ, Фаттохон МАМАДАЛИЕВ, Фахриддин УМАРОВ, Фотима БАРАТОВА, Карима УЗОҚОВА, Азиза ТУЛАГАНОВА, Ҳакимжон ФАЙЗИЕВ, Очилхон ОТАХОНОВ, Исҳоқ КАТАЕВ, Умаржон ОТАЕВ, Ғуломжон ДАДАХОНОВ;**
**Аскиячилар: Раҳматқул ЯШАРОВ, Мамарозиқ ИСҲОҚОВ, Йўлдош НОСИРОВ, Неъматжон ТОШМАТОВ, Жўрахон ПУЛАТОВ, Саъдулла ТОЖИБОЕВ** (Асака ва Қўқон шаҳарларидан).
**УЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.**
**Ансамблнинг музика раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист САЛОҲИДДИН ТУХТАСИНОВ.**
**Программани — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист МУҲАББАТ МУСАЕВА олиб боради.**
**Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.**

ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!
**Узбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг**
РЕСПУБЛИКА ЯЛОВ-МЕЛИОРАЦИЯ-ҚУРИЛИШ БИРЛАШМАСИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНОЛОГИК КОМПЛЕКТЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДА
**МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЙЁРЛАНГАН ҲАММА ТИПДАГИ ЭЦВ-6 ВА ЭЦВ-8, 6-АПВ ВА 8-АПВ МАРКАЛИ, ПОЛЬШАДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН Г-40, Г-60 МАРКАЛИ ЮКЛАНУВЧИ ЭЛЕКТР НАСОСЛАРНИ КАПИТАЛ РЕМОНТГА**
**ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТДИ**
**Ремонт ишларини республика яйлов-мелиорация-қурилиш бирлашмасининг область қурилиш-монтаж бошқармалари, ҳамда кўчма механизациялаштирилган колонналари бажаради.**
**СИФАТЛИ ВА ТЕЗ РЕМОНТ УЧУН КАФОЛАТ БЕРИЛАДИ.**

**СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг**
ЎРТА ОСИЁ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ
**кафедралар бўйича қуйидаги вакант вазифаларга**
**КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
**физика кафедраси мудири** (фан доктори ёки кандидати);
**рус тили кафедрасига катта ўқитувчи;**
**ассистентлар:** 2-госпиталь педиатрияси (3), патологик анатомия, нормаль анатомия (2), нормаль физиология, 1-госпиталь педиатрияси;
**ўқитувчилар:** фалсафа (2), КПСС тарихи.
**ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ — 1 апрелгача.**
Мурожаат учун адрес: 700140, Тошкент шаҳри, К-140, Чермет кўчаси, 103-уй.

●

**СССР Нефть-химия саноати министрлигига қарашли**
ЎРТА ОСИЁ НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
(СредазНИИНП)
**қуйидаги вакант вазифаларга**
**КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
**мудирлар:** катализни физика методи билан интенсификациялаш лабораториясига; секторларга: ярим ўтказгичлар нефть-химия синтези катализаторларини ишлаб чиқиш, иккиламчи нефть маҳсулотларини қайта ишлаш катализаторларини ишлаб чиқиш, катализатор ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш;
**техника-иқтисодий тадқиқотлар лабораториясига катта илмий ходим;**
**гидротозалаш катализаторларини ишлаб чиқиш лабораториясига кичик илмий ходим.**
**Конкурсда фан доктори ёки кандидати даражасига эга бўлган кишилар, шуниндек олий маълумотли, катта ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган ва илмий асарлари чиққан юқори малакали мутахассислар ҳам қатнашиши мумкин.**
**ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ — 27 мартгача.**
Мурожаат учун адрес: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Академиклар шаҳарчаси.

●

**Узбекистон ССР Фанлар академиясининг**
ЗООЛОГИЯ ВА ПАРАЗИТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
**қуйидаги вазифаларга**
**КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
**лаборатория мудирлари:** паразитология, энг оддий паразитлар, ҳашаротлар физиологияси ва токсикологияси, гидробиология, ҳайвонлар физиологияси (фан доктори ёки кандидатлари);
**энтомология муатхассислиги бўйича катта илмий ходимлар** (фан доктори ёки кандидати);
**энг оддий паразитлар, ихтиология мутахассисликлари бўйича кичик илмий ходимлар.**
**ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ — 27 мартгача.**
Мурожаат учун адрес: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Ниёзов кўчаси, 1-уй.

●

**Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг**
ЎЗБЕКИСТОН ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
**вакант вазифаларга**
**КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
**пульмонология бўлими мудири** (катта илмий ходим, медицина фанлари кандидати);
**катта илмий ходимлар** (медицина фанлари кандидатлари): пульмонология бўлими (2), ташкилий-методика бўлими, бактериологик группалар;
**кичик илмий ходимлар:** пульмонология бўлими (4).
**Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.**
Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700095, Тошкент шаҳри, 2-«Чимбой» кўчаси, Талант проезди, 3-уй.

**Узбекистон ССР Саноат қурилиш материалари министрлигининг**
ҒАЗАЛКЕНТ ТОШНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОМБИНАТИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА МАРМАР ВА ГРАНИТ ЧИҚИНДИЛАРИНИ
**СОТАДИ**
**Бир тонна мармар чиқиндисининг нархи 50 сўм, гранитники — 59 сўм 54 тийин.**
**Жойларга вагонларга ортиб жўнатилади, маҳаллий ташкилотлар ўзлари ташиб оладилар.**
**Мармар ва гранит чиқиндиларини сотиб олувчилардан қуйидаги адресга буюртма юборишлари сўралади:** Узбекистон ССР, Ғазалкент шаҳри, Тошкент областининг Бўстонлиқ райони, телефонлар: 5-02, 7-94.



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР
Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142

Р. 02282. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583 Б. — 59.